

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимояга рухсат

Кафедра мудири

2012й. «___» _____

**“Алоқа соҳасида суғурта тизимини жорий этишни
ривожлантириш истиқболлари”**

мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи _____ ЖураевЖ.Б.
имзо ф.и.ш.

Раҳбар _____ Рахимбоев С. Қ.
имзо ф.и.ш.

Тақризчи _____ Хасанов Ф.Р.
имзо ф.и.ш.

ҲФХ бўйича
маслаҳатчи _____ Амурова Н.Ю
имзо ф.и.ш.

Тошкент – 2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“Иқтисод ва Бошқарув” факультети “Иқтисод” кафедраси
Йўналиш: 5340100-Иқтисодиёт (алоқа ва ахборотлаштириш)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудирини

2012 й « _____ » _____

Талаба Жураев Жавлон Баходирович “Алоқа соҳасида суғурта тизимини жорий этишни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги малакавий битирув ишига

Т О П Ш И Р И Қ

1. Мавзу университетнинг 2011 йил «31» 12 даги 1228–сонли буйруқ билан тасдиқланган.
2. Ишни ҳимояга топшириш муддати 18.06.2012 йил.
3. Ишга оид дастлабки маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва фармоишлари, Ўзбекистон Республикаси қорхоналарини статистик маълумотлари, илмий мақолалар, адабиётлар, илмий диссертация ва авторефератлар.
4. Ҳисоблаш – тушинтириш ёзувларининг мазмуни (ишлаб чиқилган масалалар рўйхати) Кириш. Миллий иқтисодиётта суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари. «Алском»ск суғурта хизматлари бозоридаги фаолиятини баҳолаш. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта мунособатларини ривожлантириш истиқболлари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Хулоса. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
5. График материаллар рўйхати 1.1- расм. Суғурта қилиш жараёни, 2.1-жадвал Алском суғурта компаниясининг бухгалтерия балансини актив қисми таҳлили, 2.2-расм Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ўзгариш динамикаси, 2.3-расм. Ўзбекистонда суғурта бозори кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, 2.4-расм Суғурта компаниялари сонинг йиллар давомида ўзгариши, 2.8-расм. Суғурта муқофатлари ҳажми бўйича миқдорлари базаси тузилмаси Алском суғурта компаниясининг бухгалтерия балансини пассив қисми таҳлили.
6. Топшириқ берилган сана 14.01.2012 йил

Раҳбар _____
ИМЗО

Топшириқ олдим _____
ИМЗО

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ Олинди
1	Рахимбоев С. Қ.	14.01.2012	14.01.2012
2	Рахимбоев С. Қ.	20.02.2012	20.02.2012
3	Рахимбоев С. Қ.	19.04.2012	19.04.2012
4	Амурова Н.Ю.	24.05.2012	24.05.2012

8. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳати белгис)
1.	Миллий иқтисодий тасуғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари	20.02.2012	
2.	«Алском» скусуғуртахизматлари бозоридаги фаолиятини баҳолаш	19.04.2012	
3.	Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта мунособатларини ривожлантириш истиқболлари	24.05.2012	
4.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.	1.06.2012	

Битирувчи _____
ИМЗО

2012 йил « ____ » _____

Раҳбар _____
ИМЗО

2012 йил « ____ » _____

Ушбу малакавий битирув ишида алоқа соҳасида суғурта тизимини жорий этишни ривожлантириш истиқболлари ёритилган бўлиб, унда миллий иқтисодиётда суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари, «Алском» СК суғурта хизматлари бозоридаги фаолиятини баҳолаш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта мунособатларини ривожлантириш истиқболларимасалалари кўриб чиқилган.

В данной выпускной квалификационной работе рассматривается разработка структуры страхования и его развитие в сфере связи, где раскрываются теоретические понятие и ценность страхования в национальную экономику, оценка деятельности в рынке страхования страховой компании «Алском», и рассмотрен развитие страхования этики в сфере связи и информатизации.

In this paper we consider the final qualifying insurance structure development and the development of the communications sector, which expanded the theoretical concept and value of insurance at The National economic, assessment of market insurance in insurance company "Alscom" and reviewed by the development of ethics in the insurance sphere of communication and information.

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлашга хизмат қилади. Мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини ҳар томонлама мустаҳкамланиши ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, бунда фуқаролик-ҳуқуқий воситалардан, айниқса шартномалардан фойдаланишни мақсад қилиб олган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Суғурта тизимини такомиллаштириш ва аҳолига суғурта хизматларини кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериш, малакали суғурта хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, суғурта хизматларининг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, суғурта хизмат кўрсатишда суғурта имкониятларидан фойдаланиш нафақат эҳтиёж, балки объектив заруриятдир.

Суғурта муносабатларининг кириб келиши эса замон талабларидан бири саналади. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовтаъкидлаганидек¹, “жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусийбанклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредитуошмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларниташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг

¹Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади”.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибасисуғурта шартномавий муносабатини алоқа соҳасида барча ахборотларни ҳимоялаш имконини беради. Суғурталашда ушбу муаммоларни ўрганиш битирув малакавий ишининг долзарблигини билдиради.

Битирув малакавий ишининг мақсади, Суғурта муносабатларини ўрганиш ва юзага келган муаммоларни ўрганиш.

Битирув малакавий ишини бажаришда қуйидаги вазифалар асос қилиб олинди.

- Миллий иқтисодиётда суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари
- Суғурта тушунчасининг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари
- Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари
- «АЛСКОМ» СК суғурта хизматлари бозоридаги фаолиятини баҳолаш
- «АЛСКОМ» СК молиявий-хўжалик фаолиятини асосий кўрсаткичлари таҳлили
- Алском суғурта компаниясини фаолиятини тадқиқи этиш
- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта муносабатларини ривожлантириш истиқболлари
- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида риск-менежментни жорий этиш йуллари
- Ахборот рисклари ва уларни суғурта қилишни асосий йўллари

Битирув малакавий ишининг объекти суғурта компаниялари олинди, предмети сифатида суғурта компанияларининг мавжуд муаммолари олинган.

I. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА СУҒУРТАНИНГ МОҲИАТИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

1.1 Суғурта тушунчасининг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурта инсоният ҳаёти ҳамда унинг мулкӣ манфаатларини ншончли ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида кишилиқ жамиятининг турли боскичларида мавжуд бўлган ва узоқ тарихга эга. Тарихий манбаларга кўра, нотижорат суғуртанинг дастлабки шакллари эрамиздан 2000 йил олдин Бобил подшоҳи Ҳаммурапи қонунларида, шунингдек, Форс кўрфази, Қадимги Греция ва Миср, Қадимги Римдаги савдогарларнинг ўзаро тузган битимларида ўз аксини топган.

Мазкур битим шартларига мувофиқ умумий қарвон сафида савдо қилувчи савдогарлардан бирортаси табиий ҳодисалар ёки қароқчилар ҳужуми оқибатида зарар кўрса, етказилган зарарлар бошқа савдогарлар томонидан қопланиши белгиланган. Бу даврларда махсус суғурта ташкнлотлари бўлмаган ва суғурта бадаллари тўланмаган.

Денгиз суғуртаси бўйича дастлабки жамият (суғурта ташкилоти) 1668 йилда Францияда ташкил этнлган. XVI аср охирларида Лондонда хусусий суғурталовчиларнинг уюшмаси ташкил этилган. 1871 йилгача ушбу уюшма "Лондон Ллойди" номи билан фаолият кўрсатиб келган. Германиядагн дастлабки суғурта жамиятлари 1765 йилда Гамбург ва Берлинда тузилган".

Денгиз суғуртасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига табиий офатлар таъсир кўрсатган бўлса. Европа мамлакатларидаги урбанизация жараёни мулк суғуртасининг бошқа турларининг вужудга келишига олиб келган. 1666 йилда Лондонда катта ёнғин бўлган ва унинг натижасида 70,0 минг киши ҳалок бўлган. Бу Европада ёнғиндан суғурталашнинг пайдо бўлишига шароит яратган. Англияда ёнғиндан суғурталаш билан шуғуланувчи кўплаб жамиятлар барпо этилган.

"Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қарорга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 31 январдаги ЕФ-3022-сон Фармонига мувофиқ ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техника базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғуртаташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 27 ноябрда 413-сонли қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга кўра суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун устав фондининг энг кам миқдорларига бўлган талаб белгиланди. Шунингдек, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳам амалиётга жорий этилди. Энг муҳими юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта билан боғлиқ харажатлари улар товар айланмасининг 2.0 фоизи миқдорида солиққа тортиладиган базасини чиқариб ташланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-325-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда банк-молия ахборот-коммуникация хизматлари қаторида суғуртахизматларини изчил ривожлантириш бўйича имтиёзлар жорий этилди ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш дастури маъқулланди. 2006 йил 1 апрелдан суғурта ташкилотлари уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, дастурда 2010 йилга келиб суғурта хизматлари кўрсатиш турлари ва ҳажмини кенгайтириш ҳисобига суғурта мукофотлари умумий ҳажмини 68.0 млрд. сўмга ошириш вазифаси белгиланди. Суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан қаратилган бундай чора-тадбирлар.

солиқ бўйича берилган имтиёзлар табиийки, ўз самарасини берди. 2009 йил якунларига кўра, мамлакатимиз суғурта ташкилотлари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 142,0 млрд. сўмдан ошиб кетди.


Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелда "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳқилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПК-618-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур Қарорга асосан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғуртабозорини ислоҳқилиш ва ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Бу Дастурда суғурта фаолиятини ва суғурта назоратининг қонунчилик базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, суғурта хизматлари, тадбиркорлик фаолияти, экспорт-импорт операциялари, ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш ҳажми кенгайтириш. Республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялашувини таъминлаш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

Шунингдек, юқорида кайд этилган Президент Қарорига асосан "Суғурта фаолияти тўғрисида" ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида "Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, Мазкур қонунда суғурта бозори профессионал иштирокчилари бўлган суғурталовчилар. Суғуртаагентлари, суғурта ва қайта суғурта брокери. Ассистанс ва актуарий хизмати ҳамда аджастерларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар мавжуд. Сир эмас, суғурта бозорининг ушбу профессионал иштирокчилари фаолиятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамламасдан туриб, уларни ривожлантириб бўлмайди. Суғурта бозорини ривожлантиришда мазкур субъектларнинг нечоғлик катта аҳамият касб этишини эътиборга олиб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервиссоҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ, суғурта бозори

профессионал иштирокчилари ҳам 2009 йилгача фойда солиғи тўлашдан озод этилди.

Суғурта соҳасини ривожлантириш бўйича давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида суғурта ташкилотлари ўз фаолиятларини бозор талабларига мос равишда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

2002 йил 5 апрелда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида суғуртага қуйидагича таъриф берилган: "Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Бундан кўриниб турибдики, суғурта хизматларини кўрсатиш бепул амалга оширилмайди. Ўзларининг манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилмоқчи бўлган корхоналар. Ташкилотлар ёки фуқаролар суғурта шартномаси асосида суғурта ташкилотига хизмат ҳақи яъни суғурта мукофотини тўлайдилар.



1.1-чизма. Суғурта қилиш жараёни²

Суғурта ташкилотининг ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотининг катта қисми махсус мақсадга мўлжалланган пул фонди -

²Муаллиф томонидан умумлаштирилган

суғурта фондида йиғилади. Суғурта фондидаги пул маблағлари суғурта ходисаси содир бўлиши натижасида корхона, ташкилот ёки фукарога етказилган зарарни қоплаш учун ишлатилади. Чизмадан кўриниб турибдики, бир томондан, юридик ва жисмоний шахслар (суғурта қилдирувчилар), иккинчи томондан суғурта ташкилоти, яъни суғурталовчи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида юзага келади. Шартномада юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта хизматихақи - суғурта мукофоти миқдори ва уни тўлаш шартлари акс эттирилади. Юқорида қайд этганимиздек, суғурта ташкилоти ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотларидан суғурта захиралари шакллантирилади. Бу захирадаги пул маблағлари шартномада кўрсатилган таваккалчилик рўй бериш натижасида суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчиларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга зарарни қоплаш учун ишлатилади. Бу ерда иккита жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак. Биринчидан, шартномада келтирилган таваккалчиликлар, сув тошқини, zilzila каби табиий офатлар юз берганда суғурта қилдирувчига етказилган зарар қопланади. Аммо, шартномада айрим таваккалчиликлар; масалан, ёнғин кўрсатилмаган бўлса, мижоз, яъни юридик ёки жисмоний шахснинг манфаатларига ёнғин содир бўлиши натижасида зиён етказилган бўлса, у ҳолда бу зарар суғурталовчи томонидан қопланмайди. Бунинг сабаби шундаки, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида ёнғин содир бўлиши оқибатида юзага келадиган зарарларнинг ўринни қоплаш кўзда тутилмаган. Бу фикрдан, ёнғин рўй бериши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларни суғурта ташкилоти қопламас эканда, деган тушунча пайдо бўлмаслиги зарур. Гап шундаки, суғурташартномасини тузишда томонлар суғурта орқали қопланадиган барча ҳолатлар, таваккалчиликлар, истиснолар тўғрисида олдиндан келишиб олишлари зарур. Агар шартнома шартларида суғурта қилдирувчига ёнғин содир бўлиши туфайли етказилган зарарни қоплаш назарда тутилган бўлса, у ҳолда албатта зарар қопланади. Шунинг билан чиқармаслик керакки, айрим суғурта ходисалари, шу жумладан, ёнғин ҳам

суғурта қилдирувчи томонидан суғурта қопламасинн (пулини) олиш мақсадида атайин топширилган бўлиши мумкин. Мобода шундай ҳолат аниқланса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига етказилган зарарни қопламайди.

Иқтисодий тараққий этган давлатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик фуқаролари фақат ўз ҳаётларинигина эмас, балки бугун мол-мулкени, фарзандларининг ҳаётини тўлиқ суғурталаганн айна ҳақиқатдир. Бу бежиз эмас, атбатта. Улар суғуртани "тинч ҳаёт кечириш учун тўлов" деб талқин этадилар. Бу ўринда мазкур давлатларда суғурта муносабатлари бир неча ўн ва хатто юз йиллардан бери ривожланиб келаётганига эътиборни қаратиш лозим.

Суғуртанинг моҳияти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Истиқлол йиллари суғуртанинг янада ривожланиши учун шундай қулай шароитлар яратилдики, бунинг натижаси ўлароқ, суғурта бозори кескин суръатларда ривожланмоқда. Агар собиқ иттифоқ даврида мамлакат ичкарасидаги барча суғуртаишлари фақат "Госстрах" деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 30 дан зиёд суғурта ташкилоти томонидан 200 дан ортиқ суғурта хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Суғуртанинг суғурта қилдирувчилар учун фойдали жиҳати шундаки тўланган суғурта қопламалари (суғурталлари) солиққа тортилмайди. Бу жуда муҳим, кўпчилик фуқароларимиз суғуртанинг мана шу хусусиятидан тўлиқ хабардор эмаслар. Амалдаги солиққонунчилигига мувофиқ, фуқаролар ва корхоналар оладиган даромадлар белгиланган тартибда даромад (фойда) солиғига тортилиши лозим, улар учун берилган имтиёзлар бундан мустасно. Аммо, суғуртаходисалари рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун суғурта ташкилотлари томонидан тўланган пул маблағлари фуқаро ёки корхоналарнинг даромади сифатида баҳоланмайди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ўз мол-мулки ёки бошқа манфаатларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлари даромад (фойда) солиғи базасидан чиқарилади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг бошларига қадар, корхона ва ташкилотлар ўз мол-мулкани ихтиёрий суғурта қилиш бўйича тўлаган суғурта мукофотлари солиққа тортиладиган базага киритилар эди. Бу ҳолат уларни ихтиёрий суғуртага бўлган манфаатдорлигини янада пасайишига сабаб бўлган. Мамлакатимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотларнинг суғурта хизматларидан фойдаланмаганликларининг сабабларидан бири ҳам ана шунда десак. асло муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари суғурта қилиш йўли билан тўпланган суғурта мукофотларидан суғурта захиралари шакллантирилади ва суғурта ташкилотлари ушбу суғурта захираларининг маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестиция қилувчи йирик инвесторлар ҳисобланадилар. Бир сўз билан таъкидлайдиган бўлсак, суғурта ҳимоя воситаси бўлиш билан бир қаторда инвестицион ресурслар орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи омиллардан биридир.

Суғурта ташкилотни жамиятга қандай наф келтириш ҳақида фикр юритар эканмиз, беихтиёр: "Фалокат оёк остида" деган халқ нақли ҳаёлимизга келади. Бу нақл бизга жуда ҳам таниш ва унинг замирида чуқур бир маъно борлигини илғаб олиш кийин эмас. Дарҳақиқат, барчамиз кундалик турмуш юмушлари билан банд бўлиб, содир бўлиши мумкин бўлган турли нохушликлардан эҳтиёт бўлиш чораларини кўрмаймиз. Ишончимиз комил бўладики. бизга ҳеч нарса хавф солмайди. Баъзан. тўсатдан бахтсиз ҳодиса ёки бошқа кутилмаган фалокат рўй бериш натижасида соғлигимизга путур етса тиклаш учун кўп харажат ҳам қиламиз. Аввато. ҳар бир инсоннинг ёмон кўздан асрасин деймиз. Аммо ҳаёт тажрибаси шунни кўрсатадики. "кўза кунда эмас кунда синади". Худди шундай. фалокатнинг ҳамқачон бўлишини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Юқорида қайд этганимиздек, олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-

ходисаларнинг рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун инсонлар ўз ҳаётларини бахтсиз ҳодисалардан, корхона ва ташкилотлар эса табиий ҳамда бошқа хавф-хатарларнинг рўй бериш ҳолатларидан суғурта қиладилар. Умуман, суғуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодий эҳтиётчиликни таъминлашдаги аҳамияти беқиёс. Буни эътиборга олиб, мамлакатимизда бозор инфратузилмасининг ушбу бўғинини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бугунги кунда суғурта хизматлари бозори ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди деб айтиш учун бизда барча асослар мавжуд, Фақат бугина эмас, Тўғри бизда ҳаётни суғурта қилиш, айниқса узок муддатли суғурта турларини ривожлантиришда баъзи муаммолар мавжуд. Бу суғурта турларини амалга ошириш учун фуқароларда суғурта ташкилотларига ишонч бўлиш билан бир қаторда етарли миқдорда маблағ ҳам бўлиши зарур. Фақат ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда эмас балки корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда бошқа ихтиёрий суғурта турларини ўтказишда ҳам талай муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш суғурта ташкилотлари ва уларнинг салоҳиятли миждозлари бўлмиш кўп минг сонли аҳоли юридик шахслар раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Жамиятда аҳоли ва корхона ҳамда ташкилот раҳбарларининг суғуртага бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Бу ўз навбатида суғурта ташкилотлари аввало суғурта агентлари томонидан фаолаштириш тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Ҳаётини тажрибадан маълумки, ҳар қандай корхона, ташкилот ёки фуқаро ўз мол-мулкини авайлаб-асрашга ҳаракат қилади. Аммо олдиндан кўриб бўлмайдиган кўнгилсиз воқеаларнинг тасодифан содир бўлиши оқибатида бу мол-мулклар зарарланади ёки бутунлай нобуд бўлади. Режали иқтисодий тизимида барча корхоналар давлат тасарруфида бўлганлиги боис, бундай воқеаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарлар аксарият ҳолатларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган.

Аммо иқтисодий бозор муносабатларига ўтказиш билан боғлиқ ислохотлар мулкрий муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди. Мулклар давлат тасарруфидан чиқариш туфайли хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар барпо этилди. Табиийки, янги шароитда хусусий сектордаги корхона ва ташкилотларнинг мулкрий манфаатларига турли хил таваккалчиликлар оқибатида етказилган зарарлар давлат бюджети ҳисобидан қопланмайди. Худди мана шу сабабли ҳам суғурта корхона ва ташкилотларнинг мулкрий манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи самарали восита сифатида бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг катта ҳажмли ахборот оқимларига боғлиқлиги ўсиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Ахборот ва алоқа технологияларининг ривожланиши билан субъектлар ўртасида турли хилдаги ахборот алмашинуви соҳасида ўзгаришлар юз берди, бу ҳозирги жамиятнинг кўплаб масалаларини ахборот технологиялари ёрдамида тезкорлик билан ечиш имконини яратди. Шундай бўлсада, асосида дунёвий ва миллий ахборот мақони ётган ҳисоблаш тизимлари ва тармоқларининг доимий равишда мураккаблашиб бораётгани ҳозирги замон жамияти олдида ахборот хавфсизлигини таъминлашда мураккаб вазифани қўймоқда. Маълумотларни муҳофазалаш технологиялари йилдан йилга борган сари такомиллашиб бормоқда, аммо ҳимоянинг заифлиги камайиш ўрнига, балки доимий ортиб бормоқда. Шу сабабли маълумотлар оқимини ҳимоялаш ва уларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишдаги ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги аниқ кўриниб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “..шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан

куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”³.

Замонавий иқтисодиётнинг ҳар қандай фаолияти ахборот технологияларининг у ёки бу даражада қўлланишига асослангандир. Банк фаолияти ҳам, молия бозорлари ҳам, бизнес ва таълим тизими ҳам, аҳоли ва давлатнинг фаолият юритиши ҳам бир бутун ҳолда ахборот технологиялари билан боғлиқ. Чунки дунёдаги асосий молиявий оқимлар телекоммуникация тармоқлари орқали ўтмоқда.

Шунинг учун ахборотни муҳофазалашга корхоналарда, инвестицияларни жалб этишда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам зарурат туғилмоқда.

Илмий адабиётларда муаллифлар ахборот хавфсизлигининг турлича таърифини берадилар. Масалан, А.Н.Ариповнинг таърифига кўра, ахборот хавфсизлиги – бу ахборот эгасига зиён келтириш мақсадида атайлаб ёки тасодифан солинадиган ташқи таҳдидга нисбатан ахборот барқарорлигининг умумлашма хусусиятидир⁴. Л.И.Васильев эса икки тушунчани – ахборот муҳофазаси ва ахборот хавфсизлигини айнанлаштиради⁵. Бошқа олимлар 1970 йилларда компьютер хавфсизлиги, 1980 йилларда эса маълумотлар хавфсизлиги деб аталган нарсалар ҳозирги кундаги ахборот хавсизлигидир, деб ҳисоблайдилар. Ахборот хавсизлиги муайян дастурий ва аппарат воситалари, бузишлардан, рухсат берилмаган эркин фойдаланишлардан, очишлардан ахборотни муҳофазалаш чораларининг йиғиндиси тарзида таърифланади⁶.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон давлат стандарти деб қабул қилинган О’ZDSt ISO/IEC 2389-2007 стандартига кўра, ахборот хавфсизлиги деганда – ахборотни махфийлигини,

³ И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». «Маънавият» нашриёти Т.:2008, 115 б.

⁴ А.Н. Арипов ва бошқ. Ахборот коммуникацион технологиялари изоҳли луғати. «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури. Тошкент., 2004. 500 б.

⁵ Васильев Л.И. Система национальной безопасности РФ (конституционно-правовой анализу/ Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербургский Университет МВД РФ. СПб., 1999.

⁶Введение в информационную безопасность. Компьютеры: преступления, признаки уязвимости и меры защиты. М., 1998.

бутунлигини ва ишончлилигини ҳимоялаш ҳолати тушунилади. Яъни, ахборот хавфсизлиги давлатни, жамиятни ва шахсни турли ахборот таҳдидларидан ҳимояланганлик ҳолатидир. Ахборот хавфсизлиги асосан 3 та масалани - махфийлик, бутунлик ва ишончлилик масаласини хал қилишга қаратилган. Махфийлик деганда, ахборотни эгасининг рухсатсиз ёки қалитисиз ўқиб бўлмайдиган ҳолга келтириш ва бошқа йўллар билан ахборотни муҳофаза қилиш тушунилади. Бутунлик деганда, ахборот ва дастурли таъминотни аниқлиги ва тўлиқлигини муҳофаза қилиш тушунилади. Ишончлилик деганда ахборотнинг тўғри қабул қилиниш ҳамда ахборот ким томонидан юборилганлигини аниқлаб ола билиш хусусияти тушунилади⁷.

Лавцов Д.А. ахборот хавфсизлигини фуқаролар, алоҳида гуруҳлар ва аҳоли ижтимоий гуруҳларининг ҳаётининг фаолияти ва иш юритишларида сифатли ва муҳофазаланган ахборот ресурсларидан фойдалана олиш имкониятини яратиш сифатида қарайди⁸. У келажакда инсон ахборот «арбоби» сифатида ягона ахборот муҳитининг таркибий қисмига айланади, дея қайд этади. Шу муносабат билан у қуйидаги учта: ақлий, ҳиссий ва фаолиятга оид билим турларини эгаллаши лозим. Бугунги кунда давлат миқёсида ахборот хавфсизлигига иккита ёндошув мавжуд.

Ижтимоий соҳа мутахассислари ахборот хавфсизлигини махфий институтга тааллуқли деб ҳисоблайдилар. Бошқа тузилмалар эса ахборот хавфсизлигини амалда ахборот соҳаси билан тенглаштиради. “Ахборот хавфсизлиги” терминини кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам қараш мумкин. Масалан, ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида ахборот хавфсизлиги кенг тушунча сифатида талқин қилинади. Ахборот хавфсизлиги – бу давлатлар, ташкилотлар, фуқароларнинг манфаатлари йўлида уни шакллантириш ва ривожлантириш,

⁷Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун.

⁸ Ловцов Д.А. Информационная безопасность больших эргатических систем: концептуальные аспекты. М., 1998.

ундан фойдаланишни таъминловчи жамият ахборот муҳитининг муҳофазаланганлик ҳолатидир. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ахборот хавфсизлиги деганда, унинг ахборот соҳасидаги шахс, жамият ва давлатнинг мувозанатга келтирилган манфаатларининг умумийлиги билан белгиланадиган миллий манфаатларининг муҳофазаланганлик ҳолати тушунилади⁹. Келгусида биз ўз тадқиқотларимиз давомида ахборот хавфсизлиги терминида тор маънода, яъни ахборотни махфийлигини, бутунлигини ва ишончлилигини ҳимоялаш маъносида фойдаланамиз. Қайд этиш жоизки, бу ёндошув хорижий илмий адабиётларда ҳам қабул қилинган.

А.В. Володкин ва А.Л. Маношкин ўзларининг “Ахборот хавфсизлиги” китобида ахборот хавфсизлиги (ёки ахборот технологиялари хавфсизлиги) деганда ахборотдан фойдаланувчиларга ёки ахборот ресурслари эгаларига зиён келтирадиган ички ёки ташқи характердаги тасодифий ёки олдиндан кўзланган таъсирлардан ахборот ҳисоблаш тизимида ишлаб чиқилган ахборотнинг муҳофазаланганлигини тушунадилар¹⁰.

Таърифдан маълум бўладики, ахборот хавфсизлиги фақат бегона шахсларнинг рухсат берилмаган эркин фойдаланиши ва ғаразгўй кишиларнинг ҳатти-ҳаракатидан ҳимоялаш билангина чегараланиб қолмай, балки ахборот ресурсларини тасодифий жараёнлардан (аппарат воситаларининг ишламай қолиши, энергия таъминотидаги авариялардан), фойдаланувчиларнинг тасодифий хатоларидан муҳофазалаш ҳам бу борада муҳим омиллардан ҳисобланади. Биз бундай таърифга тўла кўшила олмаймиз, чунки ахборот хавфсизлиги муаммосини кўриб чиқишни ахборот технологиялари хавфсизлиги билангина чегаралаш ва бу муаммони фақат компьютер ахборотининг муҳофазаланганлигига боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, ахборот хавфсизлиги - бу нафақат ахборот-компьютер тизимларида ишлаб чиқилган, балки ҳар қандай ахборотнинг

⁹«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12.12.2002 й. N 439-П.

¹⁰Волоткин А.В., Маношкин А.П. Информационная безопасность. М.: НТЦ «ФИОРД-ИНФО», 2002.

муҳофазаланганлик ҳолатидир. Ахир, компьютер техникаси ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тизимининг фақат бир таркибий қисмидир. Шу билан бирга компьютер орқали узатиладиган ахборотни муҳофазалашга кўпроқ эътибор қаратилади.

Умуммиллий категория сифатида ахборот хавфсизлигини ташқи ва ички таҳдидлар таъсирига қарши тура оладиган тизим деб таърифлаш мумкин. Бу тизимнинг ишлаши, ўзининг таркибий қисмларига ва ташқи муҳитга хавф туғдирмаслиги лозим.

Шу тариқа, бизнингча тўғри ва етарли даражада тўлиқ бўлган ахборот хавфсизлиги таърифини келтиришимиз мумкин, яъни, ахборот хавфсизлиги ўзида шундай ахборот тизими ҳолатини ифода этадики, бунда у тизим элементлари ва ташқи муҳит учун ички ва ташқи таҳдидлар пайдо бўлишига йўл қўймай, уларнинг таъсирига қарши тура олади.

Бундан шундай хулоса чиқадики, иккита ўзаро боғлиқ муаммонинг ҳал қилиниши ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади, улар: ташқи ва ички таҳдидлар таъсиридан тизимдаги ахборотни муҳофазалаш муаммоси; ташқи муҳитни ахборот тизимидаги таҳдиддан ҳимоялаш.

Ҳозирги пайтда ахборот хавфсизлиги муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш ва амалий ишланмаси бўйича муайян натижаларга эришилган. Бу муаммо 30 йилдан буён мутахассислар диққат марказида туради. Ахборотни муҳофазалаш назариясига асос қўйилган. Ахборотни ҳимоялашнинг турли-туман воситалари ва технологиялари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Турли тизимларда ахборотни муҳофазалаш масалаларини амалий ҳал қилиш тажрибаси тўпланган. Ахборотни муҳофазалашнинг давлат тизими ишлаб чиқилган.

Ахборот муҳофазаси муаммоси истиқболда ривожланиш учун ўзининг реал асосига эга. Бунинг учун амалда қўлланаётган мавжуд муҳофаза тизимлари ҳақидаги статистик маълумотларни доимий равишда тўплаш ва тадқиқ этишни таъминлаш зарур, бунга ушбу соҳа билан шуғулланадиган ташқилий тузилмаларни тузиш орқали эришилади. Ушбу ҳолатлар ахборотни

муҳофаза қилиш назарияси ривож ва ҳимоя тизимини лойиҳалаштириш методологиясини такомиллаштириш учун ғоят муҳим саналади. Ахборот хавфсизлиги ва ахборотни муҳофазалашнинг илмий - методологик асосини ривожлантириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Ахборотдан муҳофаза қилиш ҳам ички, ҳам ташқаридан кирадиган бирон-бир ахборот тизимининг таркибий қисми салбий таъсирилардан, шунингдек, кўрилаётган тизимдан ташқи муҳитга чиқаётган ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялашнинг маълум усул ва воситаларини қўллашдан иборатдир. Бу муаммонинг долзарблиги шундан иборатки, ахборот ҳам инсонга, ҳам техникага ижобий бўлгани каби, салбий томондан ҳам жуда катта таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, кишиларда ёмон кайфият кўзғаб, уларнинг ахлоқини бузиш, компьютерга махсус мослама ўрнатиш орқали эса ташқаридан туриб уни сафдан чиқариш ёки унинг ишини бўлиб кўйиш мумкин. Бизнинг назаримизда, ахборот таҳдидидан ҳимоялаш муаммоси ахборотни муҳофаза қилиш муаммосидан анча жиддий, негаки, бу таҳдиднинг таъсирини, одатда, аниқлаш қийин, яъни улар доим ҳам очиқ-ойдин кўринмайди. Шу билан бирга, ахборот таҳдидидан ҳимоялаш техник қарорлардан кўра, биринчи навбатда, ташқилий ва ҳуқуқий характердаги қарорларни, бунинг устига, ҳам давлат, ҳам давлатлараро, ҳам халқаро доирадаги қарорларни ишлаб чиқишни ва жорий этишни талаб қилади.

Ахборот хавфсизлиги муаммосининг долзарблиги ахборот, компьютер технологиялари соҳасидаги, турли иқтисодчи ва олимлар турлича таърифлайдиган янги типдаги жамият ва иқтисодиётни шакллантириш соҳасидаги замонавий ахборотлашган жамият шаклланиши тенденциялари билан белгиланади. Америкалик социолог К. Кроуфорд ҳозирги замон жамиятини “билимлар жамияти” сифатида таърифлайди. Бу жамиятда асосий рол билимга берилади, янги билим янги технологияларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу пировард натижада дунёни янгича кўришнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Кўпчилик олимлар “постиндустриал жамият” (саноатлашишдан кейинги жамият), “тармоқ иқтисодиёти” каби терминларни қўллайдилар. Б.Гейтс шаклланган жамиятни – техножамият, немис олими Р.Крайбих – фан жамияти, В.Кувалдин – мегажамият, Д.Тапскотт – электрон рақамли жамият ва шу каби номлар билан атайдилар.

Россиялик иқтисодчи В.Иноземцев бунинг учун “билимлар иқтисодиёти” терминидан фойдаланади. Яъни, ҳозирги замон жамиятида “жамиятнинг муҳим ишлаб чиқариш ресурси нисбатан объектив моҳият (асосий мазмун) ёхуд у ёки бу ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси сифатидаги ахборотгина эмас, балки билим, яъни инсон томонидан ўзлаштирилган ва ундан ташқарида турмаган ахборот ҳам ҳисобланади¹¹.

Ж. Бенингер, Ж. Нисбет, Т. Стоуньерларнинг фикрича, ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулоти бўлган ахборот истиқболда ҳокимиятнинг кудратли ресурси бўлиши мумкин. Олимлар бир қўлда тўпланган ахборот базаси янги шаклдаги тоталитар давлатнинг шаклланишига ёрдам бериши мумкинлигини башаорат этишади. Ҳозирги пайтда, айтиш мумкинки, умуман, дунёда ахборотлшган жамият жамият жадал шаклланиб бормоқда.

Бу қуйидагиларда намоён бўлади¹². Биринчидан, анъанавий бозорлар (хом ашё, меҳнат бозорлари) билан бир қаторда ахборот бозори вужудга келмоқда. Ахборот технологиялари бозори энг динамик ривожланиб бораётган бозор ҳисобланади. Масалан, ушбу соҳага инвестицияларнинг солиштирма оғирлиги 1954 йилда бор-йўғи 7 фоизини, 1998 йилда эса 50 фоизини ташқил этган. Бутун жаҳонда компьютер техникасига бўлган талаб ўсиб бормоқда. Дунё телекоммуникацияси бозори йилига миллиардлаб доллар даромад келтирмоқда. Иккинчидан, ахборот технологиялари


¹¹Иноземцев В. Парадоксы постиндустриальной экономики (инвестиции, производительность и хозяйственный рост в 90-е годы)//МЭиМО, 2000, №3. С.3.

¹²Глобальное видение, как элемент выработки и принятие стратегических интересов. Доклад РИСИ. М., 1998.

жихатдан энг ривож топган мамлакатлар ўз иқтисодиётларини ноишлаб чиқариш секторини ривожлантириш учун қайта ихтисослаштирмоқда. Бу мамлакатларда билим, ахборот ишлаб чиқариш, ахборот хизмати ва маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган барча соҳалар анъанавий саноатдан кўра тез ривож топмоқда ва уларнинг иқтисодий ривожланишида етакчи ўрин тутмоқда. Учинчидан, ҳамма жойда шахсий (персонал) компьютерлар, дастурий таъминот, алоқанинг турли тармоқлари тарқалиб бормоқда. Тўртинчидан, барча ахборот ресурслари, маҳсулотлари, хизматлари учун эркин фойдаланиш мумкин бўлган миқёс ғоят кенгайиб бормоқда.

Ахборот инсон учун ноёб ва абадий ресурсга айланмоқда. Унинг ноёблиги ҳозирги шароитда фақат кучайиб бормоқда. Бизнинг назаримизда, ахборотнинг инсон, жамият, иқтисодиёт учун асосий вазифаси ва муҳимлига ундан фойдаланиш, унга мурожаат этишдан иборат. Шу билан бирга ахборот воқеалар ва ҳодисалар ҳақида хабар етказиш манбаи; қарорлар қабул қилишда ресурс; жамият ва инсонга салбий таъсир этувчи манба; ақлий мулк объекти; товар сифатида муомалада иштирок этиши мумкин. Айнан бир субъектдан бошқасига турли шаклларда ўтиб, ахборот қийматга эга бўлади.

Худди шу боис ҳам биз томонимиздан кўрилаётган ахборот хавфсизлиги муаммосининг долзарблиги шубҳа уйғотмайди. Қайд этиш жоизки, ахборот тур ва шаклларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мавжуд ахборот типологияларини тартибга солиш ва умумлаштирилган таснифини таклиф этишни тадқиқотимиз мақсади учун муҳим деб ўйлаймиз (1.2 - расм).



1.2-расм. Ахборотнинг турлари бўйича таснифланиши¹³

Таъкидлаш зарурки, ахборот хавфсизлиги термини билан баъзи бошқа тушунчалар чамбарчас боғланган, биз тадқиқотимизнинг навбатдаги бобларида уларга таяниб иш кўрамиз. Бу, хусусан, ахборотни муҳофаза

¹³ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

қилиш, ахборот ресурслари, ахборот хавфи эҳтимоли (риски), ахборот маҳсулоти, ахборот соҳаси, ахборот фаолияти, ахборот тизими каби яна бир катор тушунчалардир.

Ахборот ресурслари ишончли ахборотни самарали қўлга киритиш учун ташқил этилган маълумотлар мажмуини ўзида ифода этади. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ахборот ресурслари – бу кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки, ахборот тизимининг бошқа шаклларида жойлашган алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг мажмуасидир.

Ахборот фаолияти деганда, ахборотни олиш, фойдаланиш, тарқатиш, узатиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган фаолият тушунилади. Бозорда товар ва хизмат шаклида сотиладиган ва сотиб олинadиган ахборот маҳсулоти ахборот фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Шуниси қизиқки, луғатларда ахборот фаолияти фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминлаш борасида субъектларнинг хатти-ҳаракати тарзида талқин этилади.

Биз бундай таърифга қўшила олмаймиз, чунки хизмат – хатти-ҳаракат эмас, балки ҳар ҳолда моддий кўринишда бўлмаган конкрет маҳсулотдир. Ахборот технологияси - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш унга ишлов бериш ва уни тарқатишни таъминлайдиган, технологик занжирга бирлаштирилган ишлаб чиқариш ва дастурий – технологик воситаларининг жами услубларидир¹⁴.

Ахборот тизими муайян корхонада бизнес юритишнинг шаклланган моделини ўзида намоён қилади. Унинг ёрдамида бу ерда юз бераётган барча асосий жараёнлар акс этади.

Компаниянинг ахборот тизими (ёки корпоратив ахборот тизими) проекцияланган мураккаб мультимоделли объекти сифатида қаралади ва қуйидаги анъанавий элементларни ўз ичига, олади: тармоқ, компьютер, телекоммуникация ускуналари; дастурий таъминот, ахборотни муҳофазалаш

¹⁴А.Н.Арипов ва бошқ. Ахборот коммуникацион технологиялари изоҳли луғати. Т.2004, 36-37 б.

усуллари; хизмат кўрсатмалари (инструкциялари); ички ва ташқи кабел тармоқлари.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра ахборот соҳаси - ахборотни ҳосил қилиш, тарқатиш, ўзгартириш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаси сифатида таърифланади¹⁵. Ушбу таърифдан кўринадики, ахборот соҳаси ахборот фаолиятини ўзида ифода этади. Бизнинг назаримизда, терминларнинг кўплигидан тушунчаларда баъзи чалқашликлар пайдо бўлади. Илмий адабиётларда кам учрайдиган «ахборот бозори» ва «ахборот инфраструктураси» терминларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фикримизча, ахборот бозори ахборот маҳсулотлари ва хизматлари, ахборот технологиялари савдоси бўйича иқтисодий, ҳуқуқий ва ташқилий муносабатлар тизимини ўзида ифода этади.

Ахборот бозорини ахборот фаолияти натижасида юзага келадиган маҳсулотлар олди – сотдиси борасидаги иқтисодий муносабатларнинг мажмуи сифатида тушуниш ҳам мумкин.

Ахборот инфратузилмаси адабиётларда турлича талқин қилинади. Бу ахборот мақонини ҳамда ахборот ҳамкорлигини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайдиган ташқилий тузилмалар тизимидир. Бу яна секторларнинг мажмуи бўлиб, улардан ҳар қайсиси бир турдаги ахборот маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этувчи кишилар ёки ташқилотлар гуруҳини бирлаштиради. Шунингдек, бу шахс, жамият, давлат эҳтиёжларини қондириш учун ахборот жараёнларини, яъни ахборотни ишлаб чиқариш, йиғиш, тўплаш, излаш, тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёнларини самарали ва сифатли амалга оширишни таъминловчи оммавий ахборот ва ахборот ресурслари, алоқа ва телекоммуникациялар, ҳисоблаш техникалари воситаларининг ташқилий мажмуаси ҳамдир. Ахборот инфратузилмаси ёки

¹⁵Манба «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

АТ- инфратузилмаси ¹⁶ ахборот тизими ишини таъминлайдиган барча асосий элементларни қамраб олади, яъни бу ахборот тизимини меъёрда ва самарали ишлаши учун асос ҳисобланади.

Биз «ахборот инфратузилмаси»га ўз таърифимизни таклиф қиламиз. Ахборот инфратузилмаси деганда, ахборот фаолияти ва ахборот маҳсулотларини сотишни самарали амалга оширишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ, ўзаро алоқадор тузилмалар, механизмлар, жараёнларнинг мажмуасини тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот rischi корхона ахборот тизимига ички ва ташқи компьютер хужуми таҳдидини, бунинг натижасида тизимдаги ахборотнинг, биринчи навбатда, махфий маълумотларнинг ўғирланиши, зарар кўриш ёки алмаштирилиши хавфини ўзида ифода этади. Бизнинг назаримизда, қуйидаги таъриф ўринлидир. Яъни, ахборот rischi – бу корхоналарда ахборот технологияларини қўллаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар ёки шикаст кўришнинг эҳтимоллик даражасидир.

Шундай қилиб, ахборот riskлари электрон ташувчилар ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида ҳар қандай ахборотни узатиш, сақлаш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ. Илмий ва ўқув адабиётларида кейинги пайтда “ахборот активлари” тушунчасини тез-тез учратиш мумкин. Қайд этиш жоизки, ахборот активлари субъектнинг (жисмоний шахснинг ёки корхонанинг) қимматли ресурси ҳисобланади.

“Актив” тушунчасининг ўзи пул қийматига эга бўлган ва мулк эгасига муайян даромад келтирувчи бирон-бир мулк, объектни билдиради. Ҳозирги пайтда айнан ахборот кўпчилик хўжалик субъектлари учун улар бизнесида аниқ фойда келтирувчи асос ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги ва ахборот муҳофазаси тушунчаларини фарқлаш лозим. Илмий ва ўқув адабиётларида кўпинча бу икки тушунча тенглаштириладики, бу чалкашликка олиб келади. Биз уларни ажратиш зарур деб ўйлаймиз.

¹⁶Ҳозирги вақтда адабиётларда бу терминларни турли кўринишларда учратиш мумкин, лекин кўпроқ «АТ - инфратузилма» кўринишда учрайди.

II. «АЛСКОМ» СК СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

2.1. «АЛСКОМ» СК молиявий-хўжалик фаолиятини асосий кўрсаткичлари таҳлили

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан мамлакатда суғурта муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва бунинг натижасида суғурта бозори тубдан ўзгариб, ёрдамчи сектордан стратегик ривожланишни белгилаб берадиган йўналишга айланмоқда. Мамлакатда суғурта йўналишида олиб борилаётган истикболли ислохотларни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг тадбиқ этиш мақсадида катор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Булар каторига куйидагиларни киритса бўлади:

- соҳа бошқаруви томонидан тизимда суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида катор қарор ва буйруқлар қабул қилинди ва уларнинг изчил назорати таъминланмоқда;
- соҳада юкори технологик жараён билан боғлиқ хавф-хатарларни бошқариш ва уларни суғурта қилиш механизми яратилди;
- соҳада суғурталаниш даражасини сезиларли ўсди.

Ушбу натижалар авваламбор соҳада суғурта саводхонлигининг ривожланиб бориши ҳисобига таъминланмоқда дейилса муболаға бўлмайди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритувчи яона суғурта компанияси «АЛСКОМ» ушбу битирув малакавий ишнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида ушуб компаниянинг фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилди. «АЛСКОМ» ОАЖ Суғурта Компанияси 1996 йилдан бери ўз фаолиятини олиб боради ва ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг етакчи суғурта компанияларидан бири ҳисобланади.

Компания куйидаги уюшмалар аъзолигига эга:

- Ўзбекистон ахборот технологиялари уюшмаси аъзоси;
- «NAUR» қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари уюшмаси аъзоси;
- Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси аъзоси;
- Ўзбекистон миллий суғурта ташкилот аъзоси;
- Транспорт воситалари эгаларини жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси аъзоси;
- Авиация суғуртаси бўйича Россия меморандуми қатнашчиси (қайта суғурталаш бўйича).

Компания Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2009 йил 2 февралдаги ЦФ № 00118- рақамли лицензиясига асосан 40 дан ортиқ ихтиёрий ва 2 хил мажбурий кўринишларда Ўзбекистон классификаторининг куйидаги синфлари бўйича суғурта хизматларини тақдим этади:

- Бахтсиз ходисалардан суғурт қилиш;
- Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш;
- Авиация суғуртаси;
- Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;
- Мол-мулкни ёнғин ва бошқа бахциз ходисалардан суғурта қилиш;
- Мол-мулкни шикаст ва зиёндан суғурта қилиш;
- Автомобил ҳайдовчиларининг жавобгарлигини суғурта қилиш;
- Авиация жавобгарликларини суғурта қилиш;
- Умумфуқаролик жавобгарликларини суғурта қилиш;
- Кредитларни суғурта қилиш;
- Бошқа молиявий хавфларни суғурта қилиш.

Кафилланган қайта-суғурталаш схемаси ҳажман катта бўлган хавфларни суғурта ҳимоясига олиш имкониятини яратади.

Суғурта компаниясининг устав фонди 2 380 660, 29 евро қийматини ташкил этади. Бу кўрсаткич миллий суғурта хизматлари бозоридаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Компания Республиканинг барча

вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб тарқалган ҳудудий тармоққа эга.

Компания “САИПРО” рейтинг агентлиги томонидан тақдим этилган “узА - муқобил молиявий ишонч” тасдиқланган ишонч рейтингига эга ҳисобланади.

2010 йил натижаларига кўра Компания тўпланган суғурта бадаллари бўйича Ўзбекистон суғурта компаниялари орасида еттинчи ўринни эгаллади. Компанияга бир неча маротаба юқори номинациялар бўйича жамият муқофотлари билан тақдирланган, жумладан:

- «Суғурта фаолиятининг ривожланиш сурати бўйича лидер»;
- «Етакчи суғурта компанияси»
- «2008 ва 2010 йиллардаги энг яхши инновацион суғурта маҳсулоти».

АЛСКОМ Суғурта Компанияси САИПРО томонидан “УзА” рейтинг босқичида баҳоланди. САИПРО ахборот рейтинг агентлиги ОАЖ АЛСКОМ Суғурта Компаниясини 2009 йил фаолият якунлари бўйича молиявий ишончлилигини “ЎзА” (юқори молиявий ишонч) даражасида баҳолади. Агентлик томонидан таъкидланишича, Компания 2009 йилда суғурта муқофотлари ҳажмида сезиларли ўсишга эришди ва бу ўсиш асосан мулкӣ ва мажбурий суғурта турлари эвазига амалга оширилган. 2009 йил якунига кўра Компания 5.8 миллиард сўм ҳисобида суғурта муқофотларини тўплади ва бу кўрсаткич аввалги йил кўрсаткичига нисбатан 87.9 %га кўпроқ демақдир.

Айни пайтда Компания суғурта портфели яхши ҳолатда. Йил якуни бўйича Компания томонидан амалга оширилган суғурта тўловларининг ялпи қиймати 410.6 миллион сўмни ташқил этди ва бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 2.1 маротаба кўпроқдир. Суғурта тўловлари барча асосий суғурта турлари бўйича амалга оширилган. Компания суғурта муқофотлари зарарлилик даражасини ошишига қарамасдан, ушбу кўрсаткич жуда паст даражада эканлиги аҳамиятга молик. Шу туфайли, суғурта тўловлари суғурта портфелининг барқарорлик баҳосига салбий таъсир ўтказмаяпти.

Компания кайта суғурталаш фаолияти Компаниянинг суғурта портфелига барқарорлаштирувчи хиссасини кўшмоқда ва Компания фаолияти баҳосига ижобий таъсир қилмоқда. Шунингдек 2009 йилда худудий боскичда тушумларнинг диверсификация кўрсаткичи ҳам айтарлича ўсди. Умуман олганда, Компания худудий бўлинмалари фаолияти яхши баҳоланмоқда ва Компания суғурта фаолияти ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида баҳоланмоқда.

2009 йилда Компания активлари ҳажми 55.6 %га ошди ва 9.3 миллиард сўмни ташқил этди. 2009 йилдаги Компания активлари ҳажмидаги ўсиш асосан суғурта захиралари ва ўз маблағлари ўсиши эвазига бўлди. Умуман олганда, активлар таркиби яхши ҳолатда ва Компания капитали адекватлиги “жуда берқарор” даражада баҳоланмоқда ва бу Компаниянинг тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Компания ривожланиш тарихидаги муҳим саналар сифатида кўйидагиларни келтирилш мумкин.

· 1996 йил Компания таъсисчилари - ЎзР Алоқа Вазирлиги корхона ва ташкилотлари томонидан “АЛСКОМ” Суғурта Компанияси очик акциадорлик жамияти сифатида ташқил этилди. Компания давлат рўйхатидан ўтди ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига аъзо бўлди.

1997 йил Ўз суғурта хизматларини омма эътиборига хавола этишни бошлаган ҳолда Компания универсал суғуртачига айланди. Худудий суғурта компаниялари билан хавфларни кайта суғурта қилиш бўйича ҳамкорлик йўлга кўйилди.

“Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ билан баҳқиз ходисалардан суғурта қилиш полисларини сотиш бўйича ҳамкорлик лойихаси йўлга кўйилди. Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари Маркази билан биргаликда ахборот хавфларини комплекс суғурта қилиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар йўлга кўйилди. 2006 йил “САИПРО” рейтинг агентлиги Компания фаолиятини ўзбек суғурта бозорида тезлик билан ривожланаётган фаолият сифатида баҳолади ва “узБ++ - етарли ишонч даражаси” ишонч

рейтинги билан тақдирлади. Компания тўпланган суғурта бадаллари ўсиш даражаси бўйича Ўзбекистон суғурта компаниялари орасида 1-ўринни эгаллади. Ўз тарихида илк бор Компания суғурта бадаллари бўйича миллиардлик маррага эришди. Компания Россия Федерацияси авиация суғуртаси меморандуми аъзосига айланди. “Енергополис” АСК Украина суғурта компанияси билан биргаликда Ўзбекистон - Украина суғурта ҳамкорлиги икки давлат савдо-иқтисодий муносабатлар ривожини омили сифатида йўлга қўйилди. Компания Ўзбекистон ИТ - уюшмасига аъзо бўлди.

2009 йил компаниянинг устав капитали 2,4 мли. евро эквивалентига тенг суммани ташқил этди. Компания ЎЗРнинг тегишли қонуний меърий актлари билан 2009 йил 18 октябрдан амал қилган иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга киришди. “Ўзбектелеком” АК филиали “Ўзмобиайл”нинг илк абонентларини бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш дастури ишга тушди. Компания транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полисларини сотиш бўйича 5-ўринни эгаллади. Компания фаолият ҳақидаги маълумотлардан сунг бевосита унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари таҳлилини амалга оширилди. 2.1-жадвалда Алском суғурта компаниясининг бухгалтерия баланси таҳлили амалга оширилган.

2.1-жадвал

Алском суғурта компаниясининг бухгалтерия балансини актив қисми

таҳлили, м.с¹⁷

Актив	2009 й	Улуши, %	2010 й	Улуши, %	2010/2009 нисбати
Узоқ муддатли активлар	5079742	55%	6793821	64%	134%
Асосий воситалар	1062821	11%	2097494	20%	197%
Узоқ муддатли инвестициялар	1936793	21%	1937352	18%	100%
Капитал қуйилмалари	2080128	22%	2758973	26%	133%
Жорий активлар	4220411	45%	3878045	36%	92%

¹⁷ www.alskom.uz

Товар-моддий бойликлар	150382	2%	177500	2%	118%
Дебиторлик қарздорликлари	528433	6%	378523	4%	72%
Пул маблағлари	1008348	11%	567307	5%	56%
Қисқа муддали инвестициялар	1338548	14%	2060000	19%	154%
Бошқа активлар	1194700	13%	694713	7%	58%
Баланс актив бўйича жами	9300153	100%	10671866	100%	115%

Бугунги кунда келиб Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг ижобий тенденциялари жумласига суғурта хизматлари ҳажми ва суғурта компаниялари капиталлашувининг доимий равишда ўсишини киритиш мумкин. Масалан, таҳлил этилаётган даврнинг охирига (2002-2009йй) келиб суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиши 6,7 мартани, суғурта компаниялари низом жамғармаларининг сўмдаги қисмининг ўсиши 8,8 мартани, валютадаги қисми – 11,5 фоиз ташқил қилди¹¹ (1-жадвал).

Ўзбекистонда суғурта компаниялари сони кўпайиш тенденциясига эга. Бу суғурта мукофоти, жавобгарлиги ҳамда суғурта тўловлари ҳажмининг барқарор ўсиши билан кузатилади. 2010 йил 1 январ ҳолатига, республика суғурта компанияларнинг умумий активлари 374,9 млрд.сўмни, ўзлик капиталининг умумий ҳажми 284,0 млрд.сумни, суғурта захиралари 85,9 млрд.сумни ташқил қилди. Бу кўрсаткичлар суғурта мажбуриятларини маблағлар билан тўрт қаррадан ортиқ қопламага эғалигини акс эттиради (2.2-расм).

муаллиф томонидан ўтказилган сўровда иштирок этган мустақил экспертларнинг фикрига кўра, республикада ҳозирги вақтда эҳтимолий суғурта объектларининг 1 фоизидан ками суғурта қилинади. Бундан ташқари, суғурталовчилар томонидан таклиф этиладиган суғурта маҳсулотлари доираси хорижий суғурталовчилар

таклифи (300 хилдан кўп) билан солиштирилганда етарлича ривожланмаган (40 хилдан кам),


2.2-расм

Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ўзгариш динамикаси¹⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Суғурта компаниялари, сони	28	21	22	25	25	27	31	32
Устав капитали, млрд. сўм	8,4	10,3	9,4	14,1	17,4	21,8	41,1	73,7
млн.АҚШ доллари			62,2	63,4	66,9	67,3	67,4	69,4
Суғурта мукофотларининг ҳажми, млрд. сум	21,7	27,1	32,9	42,6	49,7	73,6	88,0	146,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш, %	33,0	24,5	21,8	29,4	16,7	48,1	19,6	66,0
Суғурта мукофотларининг таркиби, %	100	100	100	100	100	100	100	100
1.Ихтиёрий суғурта, жами	84,1	90,1	91,5	94,3	94,4	95,2	91,6	73,8
шу жумладан								
- шахсий суғурта	7,4	6,0	6,6	6,2	7,5	9,4	11,4	7,5
- мулкый суғурта	72,3	79,0	74,6	71,2	73,9	75,1	67,6	58,0
-жавобгарликни суғурталаш	4,4	5,1	10,3	16,9	13,0	10,6	12,6	8,3
2. Мажбурий суғурта	15,9	10,1	8,5	5,7	5,6	4,8	8,4	26,2

муаллиф томонидан ўтказилган сўровда иштирок этган мустақил экспертларнинг фикрига кўра, республикада ҳозирги вақтда эҳтимолий суғурта объектларининг 1 фоизидан ками суғурта қилинади. Бундан ташқари, суғурталовчилар томонидан таклиф этиладиган суғурта маҳсулотлари доираси хорижий суғурталовчилар таклифи (300 хилдан кўп) билан солиштирилганда етарлича ривожланмаган (40 хилдан кам), бу ҳам мамлакатимиз суғурта бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Аммо юқорида кўрсатилган омиллар миллий бозорга киришнинг эркин шартлари билан биргаликда миллий бозор операторларининг мустақил стратегияларини сақлаб қолишга таҳдид солади ва маблағларнинг чет элга чиқиб кетиши эҳтимолини оширади. Хусусан, капиталлашувнинг паст даражаси бир қатор миллий суғурта компанияларининг хорижий суғурталовчилар томонидан қамраб олиниши учун шароит яратади.

¹⁸Болтаев Мансуржон, автореферати. тошкент – 2011



2.3-расм. Ўзбекистонда суғурта бозори кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (млрд.сўм)¹⁹

Иқтисодиётнинг суғурта сегментининг энг муҳим муаммоли жиҳати сифатида унинг ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга (ЯИМ ўсиш суръатлари, аҳоли даромадлари, хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси ва ҳ.к.) ҳозирча етарлича боғлиқ эмаслиги таъкидланади. Бу ҳол ривожланиш стратегияларини шакллантиришнинг умумий моделларида маъмурий ресурсларнинг юқори улушга эгалигидан далолат беради. Суғурта компанияларининг катта қисми истеъмолчиларнинг тор сегменти учун хизматлар кўрсатишга йўналтирилган кептив тузилмаларни ўзида намоён этади. Аҳолини суғурта хизматлари билан қамраб олиш даражаси жуда паст. Суғурта бозори юқори даражада монополлашган. Суғурта хизматларининг асосий сегментини давлат улушига эга бўлган 3 та компания намоён этади. Тузилаётган шартномалар сонининг камайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бундай ҳолат суғурталовчиларнинг йирик юридик шасхларга йўналтирилганлиги билан боғлиқ, бу жаҳон суғурта бозори тенденцияларига мос эмасдир. Мамлакатимизда деярли тадқиқ этилмаётган қайта суғурталаш бозорига алоҳида эътибор қаратилган.

¹⁹Болтаев Мансуржон, автореферати. тошкент – 2011

Ҳозирги кунда қайта суғурта операцияларини амалга оширадиган суғурта компанияларини сони 27 тани ташқил этади. Улар ичида суғурта портфелида қайта суғурта қилиш ҳажми "Ўзбекинвест" (43,4%), "Капитал суғурта" (19,1%), "Алском" (29,2%), "ЎзАИГ" (80,6%), "Uvtinshurans" 14 Давлат суғурта назорати инспекциясининг маълумотлари асосида тузилган(94,1%) суғурта компанияларида энг юқоридир. Бу қайта суғурталаш бозорининг ҳам бирламчи бозор каби юқори даражада монополлашганлигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда қайта суғурта қилиш операциялари ҳажми ҳамда суғурта мукофотларини олиш ва бериш индекслари ўзгаришларида нобарқарорлик ва номувофиқликлар кузатилмоқда. Шу билан бирга 2007 йилга нисбатан 2008-2009 йилларда қайта суғуртанинг умумий суғурта операцияларидаги улуши пасайиш тенденциясига эга

2.4-расм

Суғурта компаниялари сонинг йиллар давомида ўзгариши²⁰

Йиллар	Қайта суғурта қилувчи компаниялар сони	Қайта суғурта қилиш операциялар ўсиш индекси (2002=1)	Умумий суғурта ҳажмида қайта суғуртанинг улуши(%)	Қайта суғурта қилиш операциялар бўйича мукофотлар ўсиш индекси	
				олинган мукофотлар	берилган мукофотлар
2003	18	1,2	51,8	1,5	1,2
2004	19	1,1	48,3	1,7	1,1
2005	23	1,4	51,1	1,4	1,4
2006	23	1,1	48,5	2,4	0,97
2007	25	1,5	49,0	1,3	1,5
2008	27	0,85	34,7	0,8	0,9
2009	27	1,1	26,3	1,2	1,2

²⁰Болтаев Мансуржон, автореферати. тошкент – 2011

Таҳлиллар кўрсатадики, ташқи қайта суғурталовчиларга топшириладиган ресурсларнинг юқори ҳажми сақланиб қолмоқда. Қайта суғурта қилиш (қалтисликларни қайта суғурта қилиш учун қабул қилиш) миллий бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ташқи омиллар жумласига юқорида таъкидланган суғурта компанияларини капиталлаштиришнинг паст даражасини, шунингдек халқаро ҳуқуқий база билан миллий ҳуқуқий институтлар ўртасидаги номутоносибликларни киритиш мумкин.

Алском суғурта компаниясининг бухгалтерия балансини актив қисми таҳлиliga кўра 2009 йилда жами активлар миқдори 9300153 минг сўмга тенг бўлган булса бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 10671866 минг сўмни ташқил этган. Бу 2009 йилга нисбатан 115 % куп демақдир. Компаниянинг активларини усишига асосий сабаб сифатида ўзоқ муддатли активларни 134 % ортганлиги ҳамда жорий активларни 94 % камайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Активлар таркибини узгаришида асосий воситаларни 197 %, қисқа муддатли активларни 154%, капитал қуйилмаларини 133 % ортганлиги билан асослаш мумкин. Компания фаолиятини яна бир диққатга сазовор ҳолати бў дебиторлик қарздорлиги миқдорлини пасайганлиги ҳисобланади. Агар 2009 йилда дебиторлик қарздорлиги миқдори 528433 минг сўмни ташқил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2010 йилга келиб 28 % камайган ва 378523 минг сўмни ташқил этган. Умумий хулоса урнида шуни таъкидлаш лозимки, 2010 йилда компанияси ўзига тегишли бўлган активлардан самарали фойдаланган.

Бухгалтерия баланси актив қисми таҳлилидан сунг бевосита балансининг пасив қисмини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси пасив қисми таҳлили 2.2-жадвалда келтирилган

2.2-жадвал

Алском суғурта компаниясининг бухгалтерия балансини пасив қисми таҳлили, м.с²¹

Пассивлар	2009 й	Улуш и (%)	2010 й	Улуш и (%)	Ўзгариш и (%)

²¹Алском суғурта компаниясининг малумотлари асосида умумлаштирилган

Ўзлик маблағлари	547546 0	59%	5935088	56%	108%
Устав капитали	373735 8	40%	3737358	35%	100%
Қўшилган капитал	123526 5	13%	1235265	12%	100%
Резерв капитал	110108	1%	124851,7	1%	113%
Сотиб олинган хусусий акциялари			108000	1%	
Тақсимланмаган фойда	161021	2%	773120	7%	480%
Мақсадли тушумлар	24725	1%	60256,5	1%	244%
Келгуси давр харажатлари ва туловлари	206983	2%	112235,7	1%	54%
Суғурта резерви	295417 7	32%	4294263	40%	145%
Жами мажбуриятлар	870516	9%	442516,3	4%	51%
Узоқ муддатли мажбуриятлар	93713	1%	94217,9	1%	101%
Жорий мажбуриятлар	776803	8%	348298,4	3%	45%
Пассив балан бўйича жами	930015 3	100%	1067186 6	100%	115%

Компаниянинг бухгалтерия баланси пасиви таркибини таҳлили кўра пассивлар миқдори 2010 йил якунига келиб 115 % ортган ва 10671866 минг сўмни ташқил этган. 2009 йилда бу кўрсаткич 9300153 минг сўмга тенг бўлган эди. Пассив қисмидаги ўзгаришга асосий сабаби сифатида суғурта захираларини миқдорини 2009 йилга нисбатан 145 %, мақсадли тушумлар 244%, тақсимланмайдиган фойда миқдори 480 % купайганлиги ҳамда 2010 йилда сотиб олинган хусусий акциялар 108000 минг сўмни ташқил этганлиги билан изоҳлаш мумкин. Компания балансининг пассив қисмидаги кемайишлар бевосита қўйидаги қисмларда вужудга келган: келгуси давр харажатлари ва туловлари миқдори 2010 йилга келиб 46 % камайган ва 112235.7 минг сўмни ташқил этган, жорий мажбуриятлар (кредиторлик қарздорлиги ҳамда қисқа муддатли мажбуриятлар) миқдори 55% камайган ва 2010 йил якунига кўра 348298.4 тенг бўлган.


Умумий хулоса қилиб айтганда суғурта компанияси 2010 йилда самарали фаолият юритганлигини куришимиз мумкин.

Алском суғурта компанияси суғурта бозоридаги фаолиятини натижалари таҳлили битирув малакавий ишнинг кейинги бобида келтирилган.

2.2. Алском суғурта компаниясини фаолиятини тадқиқи этиш

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар бир корхонадан фаолиятини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнига инновацион хизматларни жорий этишни тезлаштириш, янги хизматларни кўрсатишни таъминлаш каби бир қатор масалаларни қуяди. Бу эса ўз навбатида корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инновацион хизмат турларини жорий этишни тезлаштириш, малакали ходимлар билан таъминланганлик даражасини оширишга замин яратади. Бу жараёнларни мамлакатимизнинг суғурта хизматлари бозорини ривожланиши билан ҳам боғлаш мумкин.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритувчи Алском суғурта компанияси ҳам 2010 йил мобайнида бир қатор ижобий ютуқларга эришди. Бу эса суғурта компаниясини миллий суғурта бозоридаги мавқийни ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2010 йилда компания ўзининг суғурта фаолиятини юритиш сиёсатини қайта кўриб чиқди. Шу мақсадда компанияни ривожлантириш бўйича кенг куламли ишлар амалга оширилди.Провард натижада компаниянинг суғурта портфелини яхшилашга эришилди.




2.6-расм. Суғурта турлари бўйича суғурта мукофотларини йиғиш динамикаси²²

Компания томонидан 2010 йилда тузилган суғурта шартномалари сони 112.0 минг birlikни ташқил этди. Улар бўйича йиғилган суғурта мукофаатлари миқдори 7.0 млрд. сўмга тенг бўлди. Бу кўрсаткични 2009 йил билан таққослаганда 120.2% куп демақдир. 2009 йилда жами суғурта мукофаатлари миқдори 5.8 млрд.сўмга тенг бўлган эди.

Суғурта турлари бўйича суғурта мукофотларини йиғиш динамикаси таҳлилига кўра 2010 йилда эришилган натижа 2007 йилга нисбатан қарийиб 3.5 барбораб куп демақдир. Хулоса урнида шуни таъкидлаш лозимки, компания суғурта хизматлари бозорида мустахкам бозор сегментига эга ҳисобланади.

Республикамизда суғурта хизматини кўрсатувчи компаниялари сонини ортиб боришига ҳамда кучли рақобат муҳити шаклланганлигига қарамай компанияси суғурта хизматлари бозоридаги улушини сақлаб қолишга эришди.

²²Алском суғурта компаниясининг маълумотлари асосида умумлаштирилган



2.7-расм. Компаниянинг сугурта мажбуриятлари таркибининг 2009-2010 йиллар мобайнида узгариши тахлили²³

Юқорида келтирилган асосий фаолият куиринишлари бўйича компаниянинг мажбуриятларини нетекис равишда ўзгарганлигини куришимиз мумкин. Яъни, агар 2009 йилда транспорт сугуртаси бўйича мажбуриятлар 403.4 млн.сўмни ташқил этган бўлса, бу курсаткич 2010 йилга келиб 16% камайган ва 387.4 млн. сўмни ташқил этган. Камайиш тенденциялари нафақат транспорт сугуртасида, балким жавобгарликни сугурталашда ҳам кузатилган. Демак, 2010 йилда транспорт воситаларини сугуртаси бўйича мажбуриятлар миқдори 2.46 млн.сўмга тенг бўлган. Бу эса ўз навбатида 2009 йилга нисбатан 0.04 % кам демақдир. 2009 йилда транспорт воситаларини сугуртаси бўйича мажбуриятлар миқдори 2.5 млн.сўмни ташқил этган.


Компаниянинг 2010 йилда қолган сугурта куириниши бўйича мажбуриятлар миқдори ортганлигини кўзатишимиз мумкин бўлади. Булар мулкый сугурта бўйича, банк сугуртаси ва шахсий сугурта мажбуриятлар миқдоридир. Агар 2009 йилда мулкни сугурталаш бўйича мажбуриятлар

²³Алском сугурта компаниясининг малумотлари асосида умумлаштирилган

миқдори 224.2 млн. сўмга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 170% ортган ва 294.3 млн.сўмни ташкил этган. Шахсий суғурта бўйича мажбуриятлар миқдори 2010 йил якунларига кўра 310.9 млн.сўм ташкил этган, бу 2009 йилга нисбатан 150% куп демақдир. Банк суғуртаси бўйича мажбуриятлар 2009 йилга нисбатан 137.8% ортган ҳамда 271.9 млн сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 134.1 млн сўмга тенг бўлган эди. Умуман олганда компаниянинг жами суғурта мажбуриятлари миқдори 2010 йил якунларига кўра 1 267.1 млн сўмга тенг бўлган. Бу эса ўз навбатида 2009 йилдаги миқдорга нисбатан куп демақдир.

Умумий хулоса урнида шунини таъкидлаш лозимки, 2010 йилда компания самарали фаолият юритган экан. Аммо шунини ҳам курсатиш утиш лозимки, транспорт ҳамда

жавобгарликни суғурталаш бўйича амалий ишларни кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки суғурта бозорида ҳам кучли рақобат муҳити шаклланган бўлиб курсаткичларни камайиш тенденциясига эга бўлиши провард натижада маълум бир йуналишда бозор сегментини камайишига олиб келиши мумкин.



2.8-расм. Суғурта мукофаатлари ҳажми бўйича миждозлари базаси тузилмаси²⁴

²⁴Алском суғурта компаниясининг малумотлари асосида умумлаштирилган

Маълумки, ҳар бир суғурта компанияси мижозлари икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ жисмоний шахслар бўлса, иккинчи гуруҳга юридик шахслар киритилади. Алском суғурта компанияси мижозлари таркиби таҳлиliga кўра мижозларнинг асосий қисмини юридик шахслар ташкил этар экан. Жумладан, 2009 йилда суғурта мукофаатлари ҳажми бўйича юридик шахсларнинг улуши 60.6% ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг улуши 6.6 % ортган ҳамда 67.2 % тенг бўлган. Юридик шахсларнинг суғурта мукофаатлари ҳажми бўйича улуши ортишига қўйидаги узгаришлар сабаб бўлган. Қушма ва чет компаниялари фаолиятини суғурталаш 0,1 % ташкил этган, молиявий хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини суғурталаш 0.7%, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар фаолиятини суғурталаш 12,2 %, тижорат ташкилотларини суғурталаш 15,8% ҳамда давлат ташкилотларини суғурталаш 38,4% тенг бўлиши натижасида юридик шахсларни фаолиятини суғурталашда усиш суръатларига эга бўлинган.

Шу уринда жисмоний шахслар кесимида суғурта мукофаатлари ҳажми бўйича таҳлиlга эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда уларнинг улуши 32,8 % ташкил этганлигини кўзатишимиз мумкин. Бу борада 2009 йилга нисбатан камайиш вужудга келган, 2009 йилда жисмоний шахслар бўйича суғурта мукофаатлари ҳажми 39,4 % тенг бўлганлигини куришимиз мумкин бўлади. Фикримизча, суғурта хизматлари бозорида жисмоний шахсларнинг улушини ошириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш орқали мустахкам бозор сегментига эга бўлиш мумкин. Бу эса компаниянинг нормал ривожланишига ҳамда рақобатбардошлигини ортишига замин яратади. Шу уринда компаниянинг суғурта фаолиятидаги сиёсатини асосий йуналишларидан бири бўлган хизматларни диверсификация қилиши мижозлар таркибини ҳам узгаришига олиб келишини таъкидлаш лозим.

Компаниянинг суғурта бозоридаги умумий курсаткичлари таҳлилидан сунг бевосита курсатилаётган суғурта хизматларини таҳлиliga утиш мақсадга


мувофиқ ҳисобланади. Авваломбор шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мулкни суғурталар хизмати 2010 йилда жами хизматларнинг 23.2% ташкил этган. Бу эса ушбу хизмат турини нақадар аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Компания миқёсида мулкни суғурталаш деганда қуйидаги суғурта хизматларини суғурталашни тушуниш лозим:

- мулкни суғурталаш;
- электрон техникани суғурталаш;
- қурилиш-монтаж таваккалчилигини суғурталаш;
- қишлоқ хужалик фаолиятини суғурталаш;

Битирув малакавий ишнинг объекти ҳисобланган ахборот хавфсизлигини суғурталаш хизмати янги инновацион хизмат тури ҳисобланиб, ушбу суғурта хизмати 2010 йилда жорий этилган.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки бу хизмат тури билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги бир қатор корхоналар, жумладан, Электромагнит мослашувчанлик маркази ДУК, Ўзбектелеком АК ТошТТС филиали, Ўзбектелеком АК Uznet филиали, Ўзбектелеком АК Ўзбектелеком мобайл филиали, Unicon.uz ДУК фойдаланишмоқда. Битирув малакавий ишнинг 2.9-расмида мулкнинг суғурта бўйича суғурта мукофотлари тузилмаси келтирилган.




2.9 расм. Мулкний суғурта бўйича суғурта мукофаатлари тузилмаси²⁵

Компания бўйича мулкний суғурта бўйича суғурта мукофаатлари тузилмаси таҳлилига кўра суғурта мукофотлари орасида асосий улушни мулкни суғурталаш хизмати эгаллаган бу хизмат турининг 2009 йиллик улуши 74.6% тенг бўлган бўлса 2010 йил якунларига келиб 0.6% камайган ҳамда 74% тенг бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра мулкний суғурта хизматининг улушини камайишига асосий сабаблардан бири бў 2010 йилда ахборот таваккалчилигини суғурталаш хизматини жорий этилганлиги ҳисобланади. Ушбу суғурта хизматнинг улуши 2010 йилда 2.2% ташқил этган. Янги хизмат турининг жами мукофаатларда бир йил ичида 2 фиоздан юқори улушга эга бўлиши, ушбу суғурта хизматининг истиқболда кенг кулланилишидан адлолат беради. Шу уринда бир ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик лозим, компания томонидан тақдим этилаётган суғурта хизматлари орасида электрон техникани суғурталаш хизмати ҳам мавжуд. Келтирилган бу икки хизмат турини аралаштирмаслик лозим, чунки электрон техникани суғурталаш бевосита техникани ўзини суғурталаш, масалан

²⁵ Алском суғурта компаниясининг малумотлари асосида умумлаштирилган

компьютерни суғурталаш ҳисобланса, ахборот таваккалчилигини суғурталаш эса уша компьютер хотирасидаги маълумотлар базасини суғурталаш демақдир. Тўғри бу суғурта хизматини такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади. Қолаверса суғурта хизмати янги хизмат тури ҳисобланади. Мисол учун оладиган бўлсак, Россияда ахборот таввакалчилигини суғурталаш билан 2003 йилдан бошлаб шуғулланиб келишмоқда. Лекин ханузгача бу жараён мукамал тарзда яқунланганлиги йуқ. Асосий муаммо сифатида суғурта объекти ва суғурта ҳолати бўйича зарарни қоплаш жараёнлари ҳисобланади. Электрон техникаларни суғурталаш хизмати бўйича суғурта мукофаатлари улуши 2010 йилда 11.2 % тенг бўлган бу эса 2009 йилга нисбатан 0.7 % паст демақдир. Қишлоқ хужалик фаолиятини суғурталаш бўйича суғурта мукофаатлари хажми ҳам 2009 йилга нисбатан 1.0 % камайган. 2010 йилининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу суғурта хизматини ҳам ривожлантириш компаниянинг рақобатбардошлигини ортишига олиб келади. Суғурта хизматлари бозорида яна бир суғурта хизмати борки бу ҳар бир суғурта компанияси фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу транспорт воситаларини суғурталаш хизмати ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси қонунчилиги бўйича транспорт воситалари эгалари жавобгарлигини мажбурий суғурталаш хизмати бўйича компания 2010 йилда 2.5 млрд.сўм суғурта мукофаатига эга бўлди. Бу транспорт воситаларини суғурталаш бўйича жами мукофаатларнинг 84.4% демақдир. Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурталаш бўйича олинган суғурта мукофаатлари улуши 14,6% ташқил этган. Шу ундан бир ҳолатни алоҳида таъкидлаб утиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Транспорт воситаларини суғурталаш билан компаниянинг “ALSKOM TRANS SERVIS” си шуъба корхонаси шуғулланади. Бу эса мижозларга суғурта хизматини тезкорлик ва сифатли курсатишга имконият яратамоқда.


Суғурта хизматлари бозоридаги истикболли хизматлардан бири бу шахсий суғурта хизмати ҳисобланади. Шахсий суғурта хизмати бўйича суғурта мукофаатларини узгариш динамикаси 2.10-расмда келтирилган.



2.10-расм. Шахсий суғурта хизмати бўйича суғурта мукофаатларини ўзгариш динамикаси²⁶

Шахсий суғурта Ўзбекистон суғурта бозоридаги кенг фойдаланилаётган ҳамда истикболли суғурта хизматларидан бири ҳисобланади. Алском суғурта компанияси ушбу хизматни кўрсатиш бўйича олдинги уринларни бирини эгаллаб келмоқда. 2010 йилда шахсий суғурта бўйича суғурта мукофаатларини ҳажми 654 млн сўмни ташкил этди. Бу 2009 йиллик даражадан қарийиб 130 % ортиқ демақдир. Шахсий суғурта хизмати бўйича мукофаатларни қарийиб 60 % иш берувчи фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашдан олинган. Компаниянинг олдида турган долзrab вазифалардан бири бу шахсий ва транспорт воситаларини суғурталаш бўйича фуқороларнинг фаоллигини ошириш, энг асосийси эса ихтиёрий суғурталашдан кенг фойдаланиш ҳисобланди.

²⁶Алском суғурта компаниясининг маълумотлари асосида умумлаштирилган



2.11-расм. Суғуртаси шартномалари бўйича суғурта мукофоти²⁷

Компания томонидан банк суғуртаси шартномалари бўйича суғурта мукофоти миқдори 1.6 млрд. сўм ташқил этган. Бу курсаткич 2009 йилга нисбатан 174.3% ортиқ демақдир. Агар компаниянинг 2010 йиллик курсаткични 2007 йил билан таққослайдиган бўлсак орадаги нисбат қарийиб 5.6 баробар куплигини куришимиз мумкин бўлади.

²⁷Алском суғурта компаниясининг малумотлари асосида умумлаштирилган

III. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА СУҒУРТА МУНОСОБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида риск-менежментни жорий этиш йуллари

Суғурта муносабатлари бевосита рискларни бошқариш ва рискларнинг вужудга келиши оқибатида уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, мавзунини ёритишда рисклар ва риск-менежмент тушунчаларидан бошлашга лозим топдим.

Инсониятнинг барча ривожланиш жабҳалари мана шу содир бўлиши эҳтимоли бўлган хавф-хатарларни олдини олиш, улар билан курашишдан иборат бўлди. Бу ҳаракат айниқса сўнги асрларда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро инсон ҳаётига, айниқса унинг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган рисклар даражаси кучайиб кетди. Шу сабаб ўтган асрнинг 90-йилларига келиб ноаниқлик ва риск факторларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий қарорлар ишлаб чиқишнинг методологик асосларини яратишга зарурият туғилди. Шу асосда бутунлай янги рискология фани шаклланди.

Рискология турли тасодифий ҳодисаларнинг инсон фаолияти соҳаларига моддий ёки иқтисодий зарар етказишнинг илмий асосларини ўрганувчи фандир.

Бу фаннинг вазифаси рискларни илмий асосда чуқур таҳлил этишнинг негизида уларни моделлаштириш, прогнозлаш ҳамда бошқариш бўйича такомиллашган механизм яратишдан иборат.

Сўнги йилларда рискология фанининг ривожланиши билан рискларга икки хил қараш шаклланди. Яъни, содда қилиб айтганда риск бу салбий ёки ижобий натижа берувчи жараён сифатида тушунила бошланди. Рискка бундай тариф берилишига сабаб, рискларнинг рўй бериш натижасига қараб,

улар икки катта гуруҳга бўлинадилар, булар соф ва сунъий (спекулятив) рисклардир.



3.1-расм. Суғурта рисклари таснифланиши

Соф рисклар салбий ёки ўзгаришсиз (ноллик) натижалар олиш эҳтимолини билдиради. Бундай рискларга қуйидагиларни киритиш мумкин: табиий, сиёсий, транспорт ва тижорат рискларининг бир қисми (мулкий, ишлаб чиқариш ва савдо).

Сунъий рисклар юз бериши ҳам салбий, ҳам ижобий натижа олиш эҳтимолини ифодалайди. Бундай рискларга тижорат рискларининг бир қисми бўлган молиявий рисклар киради.

Риск хўжалик жараёнининг ажралмас ва мажбурий элементи ҳисобланади ва бу объектив қонуниятдир. Шунинг учун рискнинг даражасига қараб тегишли механизм орқали таъсир қилиш мумкин. Бундай таъсир риск-менежмент усуллари ва алоҳида молиявий стратегиялар ёрдамида амалга оширилади.

Риск-менежмент ва унинг услублари. Риск-менежмент деганда, муайян рискни аниқлаш, прогнозлаш, олдини олиш ва уни камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади. Риск-менежмент бу кўп поғонали жараён бўлиб, унинг асосий мақсади кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида объектга шикаст етиши кутилаётганида ёки шикаст етганда кўрилган зарарларни олдини олиш ва қоплашдан иборат.

Риск-менежментнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

- фаолият жараёнида юзага келувчи қалтис вазиятларни тўғри баҳолаш;
- эҳтимолли йўқотишлар даражасини аниқлаш ва ҳодисаларнинг номувофик рўй бериши эҳтимолини баҳолаш;
- рисклар даражасини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида риск-менежментнинг қуйидаги тўрт усули кенг қўлланилмоқда, булар:

1. Рискларни тақсимлаш ёки диверсификация қилиш. Яъни йирик лойиҳалар ўрнига уларга тенг қийматли бўлак-бўлак лойиҳалар амалга ошириш, стаццион қувватларни бўлиб ташлаш.
2. Маблағ ҳамда АКТ воситалари захираларини яратиш.
3. Меъёрлаштириш чораларини кўриш (стандартизация, сертификация, лицензиялаш).
4. Суғурталаш.

Бу усулларнинг ҳар бирининг аҳамияти, имконияти ўзига хос. Шу сабаб самарадорлик ҳам риск турига қараб турлича бўлади.

Масаланинг моҳияти шундаки риск-менежмент механизмдан оқилона фойдаланиб ҳар бир тур риск учун энг қулай бўлган усулини танлай билиш лозим.

Шу сабабли ҳам риск менежерга ҳозирги кунда талаб жуда катта. Аммо бу касб ҳам на олий ўқув юртларида ва на амалиётда етарли шаклланган эмас.

Мавжуд камчиликлар сабабли бугунги кунда жамиятимизда рискларни ушбу услублар ёрдамида бошқариш жуда суст кечмоқда. Айниқса зарарларни қоплаш, фаолиятдаги молиявий ноаниқлик даражасини камайтиришни таъминлашда рискларни бошқаришнинг самарали ва муқобил услубларидан ҳисобланадиган суғурта фаолиятининг ўзлаштирилиши ғоят паст даражада. Холбуки, ушбу рисклар кундалик ҳаётимизда намоён бўлсада,

хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар унинг моҳиятини ҳали ҳам тўлиқ англаб етганлари йўқ.

Буларнинг барчаси корхона фаолиятига хос рискларни самарали бошқариш механизмини амалда жорий этиш, рисклар оқибатини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг рўй бериш эҳтимолларини камайтириш борасида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг муҳим ва ажралмас бўғини ҳисобланмиш суғурта муносабатларини ривожлантириш бўйича Республика Президенти ва Ҳукумати томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб, бу йўналишда махсус давлат дастури амалга оширилиб келинмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳада суғурта муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди, жумладан:

1. Мамлакатда суғурта бозорини янада такомиллаштириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорларининг соҳада ижросини таъминлаш мақсадида соҳада суғурта муносабатлари масаласи қатор Ҳайъат мажлислари муҳокамасига киритилди ва Агентлик буйруқларида ўз аксини топди. “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш тўғрисида” 20.05.2005 йилдаги 11-Г-сонли қарори, “ЎзАААнинг 2005 йил 20 майдаги “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш тўғрисида”ги 11-Г-сонли Ҳайъат қарорининг бажарилиши тўғрисида”ги 26.05.2006 йилдаги 10-А-сонли қарори.

2. Соҳада корхона ва ташкилотларни ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш механизми яратилди. Бунинг асосий сабаби қилиб соҳага ишончли ва комплекс суғурта хизматларини таклиф эта оладиган суғурта ташкилоти шакллантирилганлигини кўрсатиш мумкин.

3.1 жадвал

Мавжуд суғурта объектлари суғурталанганлик даражаси % да

Мавжуд суғурта объектлари	Суғурталанганлик даражаси %да
Асосий воситалар	26
Транспорт воситалари	34
Ходимлар	42

1996 йилда алоқа ташкилотлари ташаббуси билан 10 млн. сўмлик низом жамғармаси билан таъсис этилган “ALSKOM” суғурта компаниясининг ўтган даврда шаклланган низом жамғармаси шу кунда 2,4 млн. еврога эквивалент суммага етди, умумий активлари эса 13 млрд. сўмдан ортди.

Ўтган давр мобайнида компания соҳага хос юқори технологик рискларни суғурталашда катта тажриба тўплади ва соҳа корхоналарида иқтисодий хавф-хатарларни бошқариш ва бартараф этиш тизимини шакллантира олди.

Бугунги кунда Компания универсал суғурта компания мақомига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг махсус лицензияси асосида суғурта тармоқлари классификаторида мавжуд 17та суғурта классларидан 11таси бўйича жами 53та ихтиёрий ва 5та мажбурий суғурта турларини амалга ошириб келмоқда.

Компания бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг тарқалган ҳудудий тармоғига эга. Унинг 15 филиали, 50дан ортиқ бўлинмаси ва 1 500дан ортиқ суғурта агентлари мамлакатнинг энг чекка қишлоқларигача хизмат кўрсатмоқда.

Компания мамлакатимиз суғурта бозорида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Компания “SAIPRO” рейтинг агентлигининг “UzA” юқори молиявий барқарорлик рейтингига эга бўлиб, рейтинг тоифаси бўйича миллий суғурта ташкилотлари ўртасида олд поғонани эгаллаб турибди.

Ўзбекистон суғурта бозорида илк бор жорий этилган “Олтин соябон” мукофотида компания “Суғурта фаолиятини ўсиш суръати бўйича пешқадам” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек “Prime Rating Services” рейтинг агентлиги томонидан суғурта компаниялари ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасига кўра компания “Ўзбекистоннинг етакчи суғурта ташкилоти” сифатида эътироф этилган .

Бугунги кунда соҳа суғурта компанияси томонидан соҳада мавжуд аксарият корхона ва ташкилотлар билан суғуртанинг барча оммабоп турлари бўйича шартномавий муносабатлар ўрнатилиб келинмоқда.

Бундан ташқари қўшимча фаолият йўналишларини амалга ошириб келаётган корхона ва ташкилотларга қурилиш-монтаж қалтисликларни, юк жўнатмаларини, лизинг объектларини суғурта қилиш бўйича суғурта хизматлари кўрсатилмоқда. Биргина 2011 йилининг 9 ойи давомида соҳа ташкилотлари билан тузилган суғурта шартномалари бўйича жами 430 млрд. сўм суғурта жавобгарлиги олинди, йиғилган суғурта бадаллари ҳажми 2,5 млрд. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2010 йилининг шу даврига нисбатан 176 фоизга ўсди.

3.2 жадвал

Тузилган суғурта шартномаларида йиғилган суғурта бадаллари ҳажми²⁸

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2010 йилининг 9 ойлиги	2011 йилининг 9 ойлиги	Ўзгариш %да
Тузилган суғурта шартномалари	дона	785	1222	156
Олинган суғурта жавобгарлиги	млрд. сўм	346	430	124
Йиғилган суғурта бадаллари ҳажми	млрд. сўм	1,4	2,5	176

Маълумотларга кўра 2011 йилининг 01 октябрь ҳолатига:

- соҳа ташкилотларида мавжуд асосий воситаларидан қарийб 26 фоизи;

²⁸Алском суғурта компаниясининг маълумотлари асосида умумлаштирилган

- мавжуд хизмат автотранспортларидан 34 фоизи ихтиёрий тарзда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарлардан;

- соҳада фаолият юритаётган ходимлардан қарийб 42 фоизи бахтсиз ҳодисалар натижасида ҳаёти ва соғлигига етказилиши мумкин бўлган зарарлардан суғурталанган.

3. Соҳада корхона ва ташкилотлари учун қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида суғурта хизматларини воситали сотиш механизми жорий этилди.

Ҳамкорлик давомида “Ўзбекистон Почтаси”нинг жойлардаги бўлинмалари орқали қарийб 100 минг дона суғурта полислари сотилиб, улар бўйича йиғилган суғурта бадалларининг умумий миқдори 110 млн. сўмни ташкил этди. Почта тизими олган даромад миқдори 27,5 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу йўналишда “Ўзбекистон Почтаси”нинг Бухоро, Наманган, Жиззах ва Фарғона филиаллари фаол иштирок этмоқдалар.

4. Мобил алоқа операторлари, Интернет провайдерларни ва соҳада хизмат кўрсатувчи бошқа хўжалик субъектларни фаолиятини янада рағбатлантириш ва мижозлар базасини кенгайтириш мақсадида уларнинг абонентларини суғурталаш хизмати йўлга қўйилди. Бу борада мамлакатимизнинг йирик Интернет провайдери ҳисобланмиш “Ўзбектелеком”нинг “УЗНЕТ” филиали (ҳозирда “Бизнесни ривожлантириш маркази” филиали) билан кенг ҳамкорлик амалга оширилди. Унга кўра универсал ва Интернет қарточкалари фойдаланувчиларининг бахтсиз ҳодисалар натижасида ҳаёти ва соғлигига етказилиши мумкин бўлган зарардан суғурта ҳимояси билан таъминланди.

Қолаверса “Uzmobile” мобил алоқа операторининг абонентлари сонини кенгайтириш мақсадида 50 фоизлик аванс тўлови асосида абонентларга кредитга берилаётган уяли алоқа аппаратлари бўйича абонентлар томонидан кредит суммасини ўз вақтида қайтмаслиги ҳамда абонентларнинг ҳаёти ва соғлиги бахтсиз ҳодисалардан суғурта ҳимояси билан таъминланди. Ўтган давр мобайнида жами 54та абонент томонидан қайтарилмаган кредит

суммалари “ALSKOM” суғурта компанияси томонидан тўлиқ қоплаб берилди.

Эндиликда “Ўзбектелеком” томонидан “Ягона ойна” лойиҳасининг амалда жорий этилиши билан абонентларни суғурта қилиш механизми янгича тусда амалга оширилиши кутилмоқда. Бу борада музоқаралар олиб борилмоқда.

Қолаверса шу кунларда Тошкент радио ва телевидение узатиш маркази билан Тошкент телеминорасига ташриф буюрувчиларни экскурсия мобайнида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича суғурта шартномаси имзоланди. Эндиликда Тошкент телеминорасига ташриф буюрувчи ҳар бир шахс “ALSKOM” суғурта компанияси томонидан 1 млн. сўм жавобгарлик доирасида суғурталанган ҳисобланади.

Бу йўналишда мавжуд муаммо: Бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланиб келаётган ва мамлакатимиз АКТ соҳасида катта салмоқни эгаллаб бораётган мобил алоқа операторлари фаолияти суғурта ҳимояси билан таъминланмай қолмоқда. Холбуки, маълумотларга кўра уларга тегишли станциялар ва ускуналарнинг ёниш ва ишдан чиқиш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бу турдаги қалтисликларни суғурталаш борасида соҳа суғурта компаниясининг таклифлари эътиборсиз қолмоқда.

5. “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш туғрисида”ги ҳамда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг соҳада тўлиқ ижроси таъминланди. Бугунги кунда соҳада мазкур мажбурий суғурта турлари бўйича суғурталанганлик даражаси кўрсаткичи 100 фоизни ташқил этмоқда десак муболаға бўлмайди.

6. Соҳа корхона ва ташқилотлари учун қўшимча инвестиция манбаи яратилди. АКТ соҳасини ривожлантириш ҳамда соҳа объектларини модернизациялаш мақсадида компаниямизнинг бўш пул маблағларини сармоявий ресурс сифатида йўналтириб борилиши кенг йўлга қўйилди.

Сўнги уч йил мобайнида компания томонидан соҳага йўналтирилган маблағларнинг умумий миқдори 5,2 млрд. сўмдан ортди.

7. Соҳада суғурта маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизми жорий этилди. Анъанавий тарзга айланган ўқитиш ва малака ошириш дастури яратилиб, соҳа корхоналарида суғурта масалаларига масъул бўлган раҳбар ходимларни доимий тарзда малакасини ошириб борилиши таъминланмоқда. Натижа аниқ, соҳа мутахассислари суғурта маданияти борасида бирмунча устунликка эришди.

8. Соҳада рўй бераётган суғурта ҳодисаларини бартараф этиш борасида тезкор ва ихчам сервис хизмати йўлга қўйилди. Бу борада компаниямиз томонидан ҳудудий филиалларга суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш борасида берилган ваколати доирасида мамлакатимиз ҳудудида рўй берган суғурта ҳодисаларини филиалларда ташқил этилган суғурта даъволарини бартараф этиш комиссиялари ҳамда компаниянинг “ALSKOM TRANS SERVIS” шўъба корхонаси негизида ташқил этилган ассистанс хизматлари томонидан тезкор бартараф этилишини таъминлайди.

2010 йил ва 2011 йилининг 9 ойи давомида соҳа корхоналари билан тузилган суғурта шартномалари бўйича жами 101та суғурта ҳодисалари юз бериб улар бўйича 208,9 млн. сўм миқдорда суғурта қопламалари тўлаб берилди.

9. Соҳада инновацион суғурта маҳсулотлари яратилди.

- ЎзААА, “ALSKOM” ҳамда “UNICON.UZ” маркази ҳамкорлиги асосида нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик давлатларида биринчилардан бўлиб “Ахборот хавфларини суғурта қилиш” бўйича янги инновацион суғурта маҳсулоти яратилди. Мазкур суғурта маҳсулотининг ишлаб чиқилиши ва амалда қўллаш жараёнлари ҳақида маърузамнинг охирида батафсил тўхтаб ўтаман.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш

борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 15 июлдаги 916-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида венчур лойиҳаларини суғурталаш каби янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ АКТ соҳаси корхона ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган инновацион лойиҳа ва технологиялар суғурта ҳимояси билан таъминланади.

Бу борада соҳа суғурта компаниясининг бугунги кундаги салоҳияти мамлакатимиз бўйлаб соҳа корхона ва ташкилотларига ишончли ва тезкор суғурта хизматларини таклиф этиш имконини беради.

3.2. Ахборот рисклари ва уларни суғурта қилишни асосий йўллари

Ахборотлашган жамият ривожланиши натижасида сўнгги ун йил давомида илмий адабиётларда “Ахборот рисклари” тушунчаси тез-тез кўрина бошлади. Бунинг асосий сабаб - умумжаҳон ахборотлашган жамиятининг шаклланиши натижасидир. Иқтисодий адабиётларда биринчи бўлиб “Ахборотлашган жамият” терминини 60 йиллар охирида АҚШлик Ф.Махлун ва Япониялик Т.Умесао киритган.

Бу термин ҳозирда янада ривожланиб “Илмларга асосланган жамият ” ва “рискларни бошқариш жамияти” деб ҳам номлана бошланди.

“Ахборотлашган жамият” назариясининг асосида ахборотни инсон ҳаётидаги ролини таҳлил қилиш ётади.

Бу таҳлилга асосан ахборотни ёки билимни ишлаб чиқаришнинг 4-элементи деб (асосий восита, меҳнат предмети, жонли меҳнат) тан олинмоқда.

Фарқи шуки ишлаб чиқаришда масалан меҳнат предмети бир марта ишлатилади. Ахборот эса кўплаб марта ишлатилиши мумкин. Шу сабабли у бошқа ишлаб чиқаришнинг элементларига қараганда ўта юқори самара беради.

Бу тезис асосида ахборотнинг ҳар бир тури самарасига баҳо бериш мумкин.

Ахборотлашган жамиятнинг асосий белгилари:

- Ахборотнинг жамият ҳаётидаги роли кескин ортиб боради.
- Ҳисоблаш ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши.
- Ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва етказиб беришнинг кескин тезлашиши.

- Мамлакат Ялпи ижтимоий маҳсулотида АКТ ҳиссасининг ортиб бориши; (Ўзбекистонда 2000-2008 йилларда 1,5 дан 3,5 га ўсди).

- Бандликнинг янги шакллари пайдо бўлиши ва умуман бандликда гуруҳ таркибий ўзгаришлар рўй беради. АКТда банд бўлганлар салмоғи кескин ортади.

- Глобал ахборот муҳитини шаклланиши.

- Инсон онгида туб бурилишлар рўй беради. Япон профессори И. Масуда фикрига кўра “Хомо Сапиенс” “Хомо Интслентс”га айлана боради. Янги инсон янгича жамиятни шакллантиради. Жамият ижтимоий табақаланишини мулкдорлик белгиси эмас, билимлилик даражасини кўпроқ белгилай бошлайди.

Ҳозирда Ўзбекистонда Ахборотлашган жамият сари дадил қадамлар кўймоқда (АКТ ривож кўрсаткичлари).

3.4 жадвал

Технологик поғоналар (ТП) тавсифи ва даврийлиги.²⁹

ТП даври	Йиллар	Саноат тармоқларидаги ўзгаришлар	Инфратузилма кўриниши
Биринчи	1790-1840	Ишлаб чиқаришда қўл кучини ташқи энергия қурилмалари билан алмашина бошланиши	Йўлларда ҳаракатланишда от ва аравалардан фойдаланишнинг бошланиши
Иккинчи	1830-1890	Ишлаб чиқаришнинг механизациялашуви	Темир йўлларнинг барпо этилиши
Учинчи	1880-1940	Оғир саноатда механизациянинг тўлиқ жорий қилиниши	Телефон, телеграф, радио ва электр тармоқларининг яратилиши

²⁹ Алском суғурта компаниясининг маълумотлари асосида умумлаштирилган

Тўртинчи	1930-1990	Ишлаб чиқаришда автоматлаштиришга ўтишнинг бошланиши	Авиация, телевидение, узоқ масофали газ қувурларининг яратилиши
Бешинчи	1985-шу кунга қадар	Ахборотлашган жамият шаклланиши	Компьютер тармоқлари, телекоммуникациялар, йўлдошли алоқа ва электрон ОАВларининг кириб келиши

Алоқа тизими ва ахборот технологияларининг қўлланилиши.

2000 йиллар арафасигача Ўзбекистонда бу ички тизим алоҳида-алоҳида бошқарилганлиги натижасида АКТ ривожига жуда суғ эди (Президент ташаббуси, бир қатор дастурлар).

Бу борада бир неча Умумдавлат дастурлари ишлаб чиқилиб амалга киритилмоқда.

Бу дастурларга мувофиқ:

- Саноат ишлаб чиқаришида АКТ ривожига мослаб қайта таркибий ўзгаришлар қилиш;
- АКТларни мамлакатда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш;
- Мамлакатда яхлит АК майдонини шакллантириш;
- Ахборот ва билимлар бозорини ташкил этиш;
- Ахборот алмашинувини кескин ривожлантириш ҳисобига халқимиз билим даражасини кўтариш ва бошқалар.

Шу ўринда айтиш жоизки, АКТ ривожланиши даражаси бўйича Ўзбекистон МДХнинг кўпгина давлатларини ортида қолдириб улгурди, баъзи кўрсаткичлар бўйича эса ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олди. Мисол тариқасида қуйидаги эришилган натижаларни келтириб ўтмоқчиман:

- 2011 йилининг I ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистонда алоқа тизимининг рақамлаштириш даражаси 92,3%га етди;

- Ўзбекистон мобил алоқани ривожланиш индекси бўйича дунёда етакчи давлатларнинг ўнталигига кирди;

- Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб мобил алоқанинг 4 авлоди (4G)ни жорий қилди;

- рақамли телевидениенинг босқичма-босқич жорий этилиши бошланди. Шу кунларда Ўзбекистон дунёда биринчилардан бўлиб HD стандартидаги юқори частотали рақамли телевидение жорий қилди ва ҳоказо.

Албатта, инсон фаолиятининг аксарият йўналишларида бўлгани каби ахборотлашган жамият шакллана бориши ва АКТ кескин ривожига мос равишда унинг янги йўналишларига хос рисклар юзага келмоқда. Бир буюк инсон айтганидек, “қаерда ривожланиш бўлса у ерда қабохат куртак ёзади” (где прогресс там и регресс).

Бу рискларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, экспертларнинг ҳисобига кўра дунё миқёсида бу рисклар оқибатида кўрилган зиён йилига 100 млрд. АҚШ долларини ташқил этмоқда, ёки Сан-Францискодаги компьютер хавфсизлиги институти маълумотларига кўра йирик фирмалар, хатто АҚШ ҳукумати структурасининг иқтисодий йўқотишларидан 64 фоизи ахборот хавфсизлиги тизимининг бузилиши билан боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, бугун ҳар бир фирма, компания, банк ва молия тузилмаси, хатто ҳар қандай давлатнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ҳам маълум маънода ахборот хавфсизлигини таъминланиш даражасига боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам ахборот хавфсизлиги масаласи ҳозирги замон жамиятининг долзарб масаласи ҳисобланади.

Умуман “Ахборот рисклари” тушунчаси ҳозирча адабиётда ўзининг тўлиқ таърифига эга эмас. Бу борада турли фикрлар мавжуд.

Айримлар бу борада асосан ахборотни турли таъсирлардан ҳимоялашни тушунади. Бошқалар ахборот рискинни компьютер хавфсизлиги билан боғлайди.

Яна бирлари бу масалани ахборот тизимининг бош бўғини бўлган мутахассис билан боғлайди ва унинг хатоси натижасида юзага келадиган

рискларни таҳлил қилади. (Мутахассис бош бўғинлардан бири. Риск борасида у энг кучли фактор).

Масала шундаки. Энг аввало “Ахборот рисклари” тушунчаси илмий жиҳатдан асосланиши, у қонунчиликда ўз ифодасини топиши лозим. Шундан сўнггина ундан ҳимояланиш механизми тўла-тўқис яратилиши лозим. Бу масала ҳозирда шаклланаётган ёшлар вазифасидир.

Ахборот рисклари таркиби. Умуман олганда тадбиркорликда ахборот рискларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Ахборотнинг ходимлар ёки рақобатчилар томонидан хуфёна ўғирланиши;

2. Ахборот узатиш каналларидаги техник носозлик натижасида ахборот йўқотилиши.

Буларни кенгроқ кўрадиган бўлсак ахборот рисклари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- вируслар таъсири;
- компьютер ҳужумлари, яъни хакерлар ва шунга ўхшаш ташқи муҳитдан маълум бир манфаатни кўзлаган ҳолда ҳатти-ҳаракатларни амалга оширувчи ғаразли шахсларнинг таъсири;
- корхона ходимларининг ножуя ҳатти-ҳаракатлари оқибатида етказилаётган зарарлар;
- корхона сирлари ва махфий маълумотларни ўғирлаш натижасида етказилаётган зиёнлар;
- ахборот техник воситалари ва тизимларини ўрнатиш, яратиш ва ишлатишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар оқибатида етказилаётган зиёнлар;
- турли хил ахборот дастурларининг ишдан чиқиши оқибатида етказилаётган зарарлар ва ҳоказо.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот рисклари суғурта қилиш механизмининг ишлаб чиқилиши ва амалда жорий этилиши. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг кескин

суръатлар билан ривожланиб бориши ўз навбатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига устивор аҳамият берилишини талаб этмоқда. Шу сабабдан ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида соҳада чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг изчил амалга оширилиши таъминланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари бўйича 2та миллий стандартлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди (слайд). Ушбу стандартлар турли мулкчилик шаклидаги ташкилотларда ахборот хавфсизлигини бошқариш ҳамда назорат қилиш талабларини белгилайди. Уларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулларида бири сифатида хавфларни суғурта ташкилотига ёки дастурий маҳсулотни етказиб берувчи ташкилотга ўтказиш тавсиялари келтириб ўтилган.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ахборот хавфсизлигини таъминлашда суғурта механизмининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Агентлик раҳбарияти мамлакатимизда ахборот хавфларини комплекс суғурта қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус Агентлик Ҳайъатининг 2005 йилда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида маъқулланди. Ҳайъат ўз қарори билан ахборот хавфларини суғурта қилишнинг илмий асосларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва унинг асосида тегишли меъёрий база ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлади. Шу мақсадда “UNICON.UZ” маркази ҳамда “ALSKOM” суғурта компанияси мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Тадқиқотлар 2007 йилда бошланиб, унинг натижасида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

Биринчиси. Ахборот хавфларини суғурта қилиш қоидалари. Қоидалар суғурта қилиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Иккинчиси. Ахборот тизимлари қийматини ҳисоблаш услубиёти. Унда ахборот ресурсларнинг йўқ бўлиб кетиш ҳолатида уни қайта тиклашга кетадиган қийматнинг ҳисоби келтирилган.

Учинчиси. Зарарни баҳолаш ва суғурта қопламаси суммасини белгилаш услубиёти. Унда хавфлар, яъни рискларни аниқлаш, зарар ва суғурта қопламаси миқдорини баҳолаш кўзда тутилган.

Тўртинчиси. Ахборот тизимлари хавфсизлиги экспертизаси, яъни аудитини ўтказиш бўйича йўриқнома. Ушбу йўриқнома ахборот тизимлари хавфсизлик даражаси экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур меъёрий ҳужжатлар Агентликнинг 2008 йил 1 декабрдаги 332-сон буйруғи билан тасдиқланиб амалга киритилди ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика Агентлиги томонидан рўйхатга олиниб, Агентлик, “UNICON.UZ” маркази ва “ALSKOM” суғурта компаниясига муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳнома берилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик давлатларида биринчилардан бўлиб ахборот хавфларини суғурта қилиш бўйича яратилган комплекс меъёрий ҳужжатлар ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Тошкент халқаро суғурта форумида икки мартаба “Энг яхши инновацион суғурта маҳсулоти” номинацияси бўйича миллий суғурта бозоримиздаги олий - “Олтин соябон” мукофотига лойиқ деб топилди. Қўлга киритилган мукофотлар, авваламбор Агентлик ва унинг таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг ташаббуси ва изчил меҳнати самарасидир.

Яратилган меъёрий ҳужжатларнинг янгилигини инобатга олиб, Агентликнинг 2009 йил 11 майдаги 150-сон буйруғи билан мазкур ҳужжатларни соҳанинг айрим корхона ва ташкилотларида тажриба тарзида қўлланилиши белгиланди ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ тажриба тарзида қўллашга жалб этилган корхона ва ташкилотларга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- меъёрий ҳужжатлар асосида ахборотнинг хавфлилик даражаси ва ахборот хавфларидан етказилган зарарларни баҳолаш;

- ахборот хавфларини суғурта қилиш бўйича намунавий суғурта шартномасини ишлаб чиқиш;

- “Ўзбектелеком” АКнинг “ТошТТС”, “УзНЕТ” ва “Ўзбектелеком мобайл” филиаллари, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг “Тошкент почтамти” филиали ҳамда “UNICON.UZ”, “UZINFOCOM” марказлари ва “Электромагнит мослашув маркази”да ахборот хавфларини суғурта қилишни тажриба тарзида амалга ошириш;

- тажриба тарзида амалга ошириш жараёнида кенг қўламли мониторинг ишларини олиб бориш;

- амалга оширилган тажриба натижаларини умумлаштириш ва шу асосда ахборот хавфларини суғурта қилишни такомиллашган механизмни ишлаб чиқиш.

Мазкур чора-тадбирлар ижроси бўйича 2009 йил 25 июнда тажриба тарзида қўллашга жалб этилган корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирокида мажлис ўтказилиб, бу йўналишда бажариладиган ишлар ва вазифалар белгилаб олинди ҳамда мажлис баёни билан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлис баёнида белгиланган қарорларга мувофиқ меъёрий ҳужжатларни соҳа корхона ва ташкилотларида тажриба тарзида қўллаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Ахборот хавфларини суғурта қилиш бўйича намунавий суғурта шартномаси, суғурта тарифлари ва суғуртага қабул қилинадиган объектларни олдиндан мониторинг қилиш бўйича ариза-сўровномалар ишлаб чиқилди.

2. “UZINFOCOM” маркази томонидан ахборот тизимларининг хавфсизлик даражаси экспертизаси, ахборот тизимлари қийматини ҳисоблаш ҳамда зарарни баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди ва бу йўналишда кўрсатиладиган хизматлар бўйича вақтинчалик нархлар тасдиқланди.

3. “ALSKOM” суғурта компанияси ва “UZINFOCOM” маркази ўртасида 2009 йил 1 июнда имзоланган шартномага мувофиқ тажриба тарзида қўллаш амалга оширилаётган корхона ва ташкилотларда меъёрий ҳужжатлар асосида

Агентлик томонидан тасдиқланган муддатларда ахборот ресурслари ва тизимларининг хавфсизлик даражаси экспертизаси ҳамда суғурта мониторинги ўтказилиб, экспертиза ҳисоботлари ва суғурта қилиш бўйича ариза-сўровномалар расмийлаштирилди.

4. “Электромагнит мослашув маркази”, “Ўзбектелеком” АКнинг “ТошТТС”, “УзНЕТ” ва “Ўзбектелеком мобайл” филиаллари, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг “Тошкент почтамти” филиали ҳамда “UNICON.UZ” маркази билан суғурта шартномалари имзоланди ва суғурта полислари тақдим этилди.

Белгиланган вазифаларга кўра ахборот хавфларини суғурта қилиш борасида яратилган механизмни тажриба тарзида қўллаш қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

1-босқич. Таҳлил:

Ушбу босқичда ахборот ресурслари ва тизимларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган экспертиза ҳамда суғурта мониторинги натижаларига кўра суғурталовчи тегишли таҳлил ўтказиб, хавфларни суғуртага қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда кейинги босқичга ўтилади.

2-босқич. Суғурта шартларини ишлаб чиқиш. Ушбу босқич қуйидаги қисмлардан иборат:

2.1. Биринчи навбатда суғурталанувчи билан келишган ҳолда суғурталаниши лозим бўлган хавфлар рўйхати аниқланади.

Бу рўйхатга электрон шаклдаги ахборотни йўқотиш, йўқ қилиш ёки шикастлаш, қимматбаҳо қоғозлар ёки пул маблағларини йўқотиш билан боғлиқ хавфлар киритилиши мумкин.

2.2. Навбатдаги ҳаракат суғурта объектлари ва улар бўйича суғурта суммаларини аниқлаш ҳисобланади.

Ахборот ҳужжатлаштирилган, ўз маблағлари ҳисобига яратилган ёки қонуний асосда сотиб олинган бўлса, мулк сифатида ўз эгасига тегишли ҳисобланади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мулк

суғуртасига оид кўзда тутилган барча қоидалар мазкур суғурта турига ҳам қўлланилади.

Суғурта объектлари сифатида қуйидагилар кўрилади:

- ахборот ресурслари, яъни исталган электрон кўринишдаги ахборот, дастурий воситалар ва комплекслар;
- молиявий активлар, яъни электрон шаклдаги ҳисобларда ёзув кўринишидаги пул маблағлари (мисол учун миждоз-банк тизимлари), электрон кўринишдаги қимматбаҳо қоғозлар.

Суғурта ҳимоясига қўшимча сифатида қуйидаги суғурта ҳодисалари рўй бериши билан боғлиқ билвосита зарар ва кўзда тутилмаган ҳаражатларни ҳам суғурталаш мумкин, булар:

- суғурта ҳодисаси рўй берганда тижорат фаолиятини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ зарарлар;
- бизнесни тезлик билан тиклаш бўйича қўшимча ҳаражатлар.

Суғурта объектлари бўйича суғурта суммалари, яъни суғурта жавобгарлиги лимитлари меъерий ҳужжатларга мувофиқ ахборот тизимларининг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

2.3. Сўнгра суғурталовчи суғурта тарифи ставкасини аниқлашга киришади. Суғурта тарифи ҳар бир хавф бўйича алоҳида белгиланади. Унинг миқдори суғурталанувчининг ахборот тизимининг хавфсизлиги даражасига ва ахборот тизимининг ахборот хавфсизлиги бўйича ўтказилган экспертиза таҳлилларига асосан аниқланадиган хавф даражаларига боғлиқ.

3-босқич. Суғурта шартномасини тузиш.

Суғурта шартлари келишилгач суғурталанувчи ва суғурталовчи ўртасида суғурта шартномаси тузилади ва суғурта бадали тўлангандан сўнг суғурталанувчига суғурта полиси тақдим этилади.

4-босқич. Суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш ва суғурта қоғамасини тўлаш.

Ушбу босқичда суғурта ҳодисаси содир бўлган вақтда эксперт ташкилот жалб этилади. Эксперт “Зарарни баҳолаш ва суғурта қоғамаси суммасини

белгилаш услубиёти” асосида ахборот таҳдидларининг оқибатларини ўрганиб чиқади ҳамда етказилган зарарни баҳолайди.

Меъёрий ҳужжатларни тажриба тарзида қўллаш жараёнида амалга оширилган мониторинг натижаларига кўра суғурта механизмини тўлақонли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди:

1. Ахборот ресурслари ва тизимлари қиймати ҳамда суғурта ҳодисаси натижасида ахборот ресурслари ва тизимларига етказилган зарар миқдорини баҳолаш бўйича яратилган услубиётлар давлат стандарти талабларига мослаштирилмаган.

Яратилган баҳолаш услубиётларини келгусида мамлакатимизда кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида уларни давлат стандарти талабларига мослаштириш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш талаб этилади.

2. Мамлакатимизда ахборот ресурслари ва тизимларини баҳолаш учун ваколатли баҳоловчининг мавжуд эмаслиги.

Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4-1 моддасига мувофиқ “баҳоловчи ташкилот - баҳоловчилик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс” деб белгиланган.

“UZINFOCOM” марказининг баҳоловчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензияси мавжуд эмаслиги сабабли, Компаниямиз мутахассислари томонидан тегишли баҳолаш хизматларини кўрсата оладиган ташкилотлар ўрганилиб чиқилди ва республикада фаолият юритувчи ҳеч бир ихтисослашган баҳолаш ташкилоти ахборот ресурслари ва тизимлари қийматини баҳолай олмаслиги маълум бўлди.

Мавжуд муаммо ўз навбатида суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси миқдорини тўғри ва аниқ белгилаш имконини бермаяпти. Бундан ташқари суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳам фақатгина лицензияга эга баҳоловчи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Мавжуд муаммони бартараф этиш учун соҳада ахборот ресурслари ва тизимлари қийматини баҳолаш ихтисослигини мукамал ўзлаштирган ташкилотларнинг бу йўналишда юқори малакага эга мутахассислари томонидан давлат ваколатли идорасидан баҳоловчи сертификатини олинишини таъминлаш ва лицензияга эга баҳоловчи ташкилотлар билан меҳнат келишуви асосида баҳолаш тизимини йўлга қўйиш таклиф этилади.

“ALSKOM” суғурта компанияси томонидан ахборот хавфларини суғурта қилиш бўйича тасдиқланган суғурта тарифи ставкалари ахборот ресурслари ва тизимлари қийматидан ўртача 3-8 фоизни ташкил этмоқда. Бироқ, “UZINFOCOM” маркази томонидан тасдиқланган вақтинчалик нархларга мувофиқ битта компьютер воситаси бўйича хавфсизлик даражасини экспертиза қилиш компьютер воситаси қийматини қарийб 10 фоизини ташкил этмоқда. Бундан ташқари ушбу вақтинчалик нархларга мувофиқ ахборот ресурслари ва тизимлари қийматини баҳолаш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг нархи ахборот ресурслари ва тизимларининг аниқланган қийматидан 1,5 фоизни ташкил этади. Кўриниб турибдики, ахборот ресурслари ва тизимларини хавфсизлик даражасини экспертиза қилиш ва уларнинг қийматини баҳолаш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари суғурта тарифи ставкасидан анча юқори.

Тажриба тарзида қўллаш жараёнида суғурталанувчиларнинг ахборот ресурслари ва тизимлари хавфсизлик даражасини экспертиза қилиш “ALSKOM” суғурта компаниясининг буюртмаси асосида амалга оширилиб, бу борада кўрсатилган хизматлар бўйича тегишли ҳаражатлар тўлиқ суғурта компанияси ҳисобидан қопланган. Бу ўз навбатида айрим суғурта шартномалари бўйича суғурталанувчилар томонидан тўланган суғурта бадалининг оқланмаганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда яратилган меъёрий ҳужжатларни тажриба тарзида қўллаш уларни амалиётда синаб кўриш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини берди. Тажриба натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этган ҳолда меъёрий ҳужжатларни амалиётда кенг

жорий этиш мумкин саналади. Зеро мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир шароитда ушбу инновацион суғурта механизмига талаб ўсиб боради.

IV. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Гиподинамия ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири

Гиподинамия –(гипо ва грекчадан дунамис –куч) инсон организми (қон айланиш, нафас олиш, таомни ҳазм қилиш, таянч –ҳаракат аппарати) функциялари ҳаракат қилиш фаоллигининг чекланганлиги, мушаклар қисқариши кучининг пасайиши натижасида бузилишидир. Меҳнатни автоматлаштириш ва механизациялаштириш, коммуникация воситалари ролининг ўсиши туфайли гиподинамия кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Бу муаммо бевосита компьютер билан боғлиқ эмас. Ўтирган ҳолда меҳнат қиладиган одамларнинг барчаси учун гиподинамияга чалиниш хавфи бор. Узоқ вақт ўтирганда гавданинг ҳар қандай ҳолати таянч-ҳаракат аппарати учун зарарли бўлиб, бундан ташқари ички аъзоларда ва капилларларда қоннинг тўхтаб қолишига олиб келади.

Кўпроқ ревматик оғриқлар ва варикоз пайдо бўлади.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун:

- компьютер билан ишлаш вақтида тез-тез гавда ҳолатини ўзгартириб туринг;
- мириқиб керишинг;
- стол тагида оёқлар ҳолатини ўзгартириб туришни унутманг;
- телефонни ўзингиздан узоқроқ жойга қўйинг;
- мабодо кофе, чой ёки бошқа ичимлик ичмоқчи бўлсангиз, асло компьютер олдида ичманг, бунинг учун қулай бўлган бошқа жойга ўтинг;
- вақт-вақти билан туриб, шунчаки сайр қилишга эринманг;
- иш вақтида дераза ойнаси ёнига келиб, кўчани томоша қилиб туришни одат қилинг, бу ҳар томонлама фойдалидир.

Компьютер билан ишлаш давридаги ҳаракатсизликни серҳаракатлик билан алмаштиринг.

Иш вақтида гавдани тўғри ҳолатда тутиш компьютернинг соғлиқка зарарли таъсири камайтиришга ёрдам беради. Гавдани тўғри тутишни уни маълум

бир вақт давомида назорат қила туриб ўрганиш жуда муҳимдир. Шунда гавдани тўғри ҳолатда тутиш одат тусига киради. Жуда осон машқни тавсия қиламиз: текис деворга суянинг, бунда товон, болдир, тос, курак, тирсакларинингиз ва бошингиз деворга тегиб турсин.

Тавсиялар:

- клавиатура албатта тирсакларингиздан пастроқда бўлиши керак;
- елка ва билаклар орасидаги бурчак 121 даражадан кам бўлмаслиги керак;
- узоқ вақт ишлаётганингизда кафтларингизнинг ички томонлари таянчга эга бўлиши керак;
- қўлларингиз пастга осилган ҳолда бўлиши мумкин эмас, курсининг қўл учун суянчиқларига қўйиб ўтиринг;
- бошингизни олдинга егиб ўтиринг, дисплей экранини шундай жойлаштиринг-ки, сизнинг нигоҳингиз озгина пастроқда бўлсин;
- стул ёки курси суянчиғига суяниб ўтиринг.

Тўғри ҳолат.

Ўтирганингизда гавдангизни бир оз орқага ташланг. Бундай ҳолат умуртқа поғонасига оғирлик тушмаслигига, тана бўйлаб қон айланишининг яхшиланишига олиб келади, бу еса айни кучга тўлган еркаклар учун жуда муҳимдир. Қўлларингиз курсининг қўл учун суянчиқларида еркин туриши лозим. Тирсак ва билакларингизни бўш қўйинг. Кафтларингиз билакларингиз билан бир чизикда бўлсин, я'ни билакдан пастда ёки тепада бўлмасин, фақат бармоқларгина ишласин. Бўксангиз танангизга нисбатан тўғри бурчакда, тиззаларингиз эса бўксага нисбатан тўғри бурчак остида бўлсин.

Бир хил ҳаракатларни бажарувчи мушаклар гуруҳи учун чарчаш зарарлидир. Чарчаш бўғин ва пайларнинг шикастланишига олиб келиши мумкин. Компьютер сичқончаси ва клавиатура билан узоқ вақт бир хил ҳолатда ишлаш натижасида қўл пайлари тендовагинити айниқса кўп учрайди. Тендовагинит – (янги лотинчадан тендо – пай) пайларнинг яллиғланишидир

(кўпроқ кўл панжалари, билак, тизза). Зўриқиш, шикастланиш, панарисия ва компьютер билан узок вақт мунтазам ишлаш натижасида бу касаллик ривожланиб боради. Белгилари: пайлар шишади, оғриқ пайдо бўлади.

“Меҳнат фаолиятининг турли кўринишларини компьютерлаштириш Россияга нисбатан аввалроқ ривожлана бошлаган ва компьютер билан ишлайдиган ходимларнинг саломатлигини кузатиш бўйича етарлича тажриба тўплаган АҚШ олимларининг маълумотларига кўра, компьютер операторлари учун таянч – ҳаракат аппарати ва кўлларнинг перифирик асаб системаси касалланиши асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

АҚШ меҳнат статистикаси Бюросининг маълумотларига кўра, 1981-йилда таянч-ҳаракат аппаратининг юқори қисми, яъни кўл-панжа касалликлари касбий касалликлар умумий сонининг атиги 18% ни ташқил етган. Лекин 80-йиллар давомида, яъни компьютерлаштириш ғоят тез суръатларда ўсиб борган 10 йил ичида, бу касаллик шу қадар кўпайиб кетди-ки, 1989-йилда бутун касбий патология структурасининг 52 % ини ташқил етди. Бир неча минг АҚШ алоқа ходимлари уюшмаси аъзоларининг саломатлигини ўрганиб бориш натижасида уларнинг 20% га яқини сурункали равишда касбий кўл-панжа касалликларидан азият чекишлари маълум бўлди. Америка Кўшма Штатларининг бир қатор компаниялари тендовагинит, лигаментит (карпал канал синдроми), шунингдек, кўлларнинг мунтазам равишда оғришигина эмас.балки меҳнат қобилиятини йўқотишгача олиб келадиган бошқа пайлар яллиғланиши касалликларига дучор бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида бир неча миллион доллар зарар кўрмоқда”,(Гун Г.Е.– компьютер:Соғликни сақлаш йўллари, Москва. 2002-й).

Ўтириб бажариладиган машқлар:

-Яхшилаб ўтириб олинг, гавдангизни тик тутинг, кўзларингизни очиб, нигоҳингизни тўғрига қаратинг;

Кўз олмасининг ҳаракатларида иштирок етадиган мушаклар ором олиши учун:

Кўзларингиз билан чапга-тўғрига тўхтамай ҳаракат қилинг.

Кўзларингиз айлана бўйлаб чапга ва ўннга аввал тез, кейин секинроқ 1-10 мартаба ҳаракат қилсин.

Фокус масофасини ўзгартириш:

Аввал бурун учига, сўнгра узоққа қаранг. Ўзингиздан 30 см масофада бўлган бармоқ ёки қалам учига, кейин узоққа қаранг. Бу машқни бир неча марта такрорланг. Кўзингизни қаттиқ юминг, сўнгра бир неча марта такрорланг. Кўзингизни қаттиқ юминг, сўнгра бир неча марта кўзларингизни пириллатинг.

Машқларни қовоқлар учун массаж билан яқунлаймиз:

Кўрсаткич ва ўрта бармоқларингиз билан қовоқларингизни бурундан чаккаларингизга қаратиб майин силанг, сўнгра кафтларингизни бир-бирига ишқалатиб, уларни юмуқ кўзларингиз устига оҳиста қўйинг (1 дақиқа), бунда кўзларингиз тўла юмилиши, улар ёруғликни сезмасликлари керак. Ўзингизни қоронги хонада ўтиргандай ҳис қилинг.

Замонавий компьютерларда кўриш қобилияти паст бўлган одамлар ишлаши учун барча шароитлар мавжуд.

4.2. Корхоналарни фавқулотда вазиятлардан химоялаш

Режалаштириш, ФХ лар вақтида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи функтсияси ва марказий звеноси ҳисобланади. Режалаштиришда ҳужжат-режа тузилади ва у қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: аниқ кўрсаткичлар (иш тури, тадбирлар); ушбу ишларни бажариш вақти; ишларни бажариш учун зарур ресурслар(тури, сони, миқдори, манбаи); ишни бажарувчи маъсул шахс (ҳар бир пункт бўйича); ишни бажарилишини назорат қилиш усули.

Режанинг матн қисми икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида ФХ лар вақтидаги шарт-шароитларни баҳолаш бўйича хулосалар, иккинчи бўлимда эса ФХ лар хавфидан аҳолини химоялаш тадбирлари кўрсатилади. Ушбу тадбирларга асосан қуйидагилар киритилиши мумкин, яъни: ФХ

тўғърисида хабар бериш тартиби; кузатиш ва разведкани ташқил этиш; кутқарув ва бошка мухим ишларни бажариш учун куч ва воситаларни тайёрлаш; ФХ лар таъсирини бартараф этиш ёки сусайтириш тадбирлари; одамлар ва материал бойликларни химоялаш тадбирларини тезкор бажариш усуллари; табиий таъминлаш, дозиметрик ва кимёвий назорат; ишлаб чиқаришни авариясиз тўхтатиш тартиби; одамларни химоялашни ташқил этиш, ШХВ билан таъминлаш; эвакуатсия тадбирларини ташқил этиш; уларни бошқариш; хар хил шароитларда кутқарув ишларини ташқил этиш тартиби; юкори ташқилотларга ва ФХ лар бўйича тузилган комиссияларга ахборот ҳамда маълумотлар бериш тартиби.

Режага турли хил зарур лугъавий ва тушунтирувчи характердаги материаллар ҳам илова қилинади. Режа реал, киска мазмунли, лекин тўлик ифода этилган, иктисодий жихатдан мақбул билиши ҳамда объектнинг барча имкониятларини ифода этиши зарур.

Режанинг реаллиги табиий ва техноген кўринишидаги ФХ лар вақтида хакикий ишлаб чиқариш шароитида хаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича системали турли хил машгўлотлар ва амалий машқлар ўтказиш йўли билан текширилади.

Халк хўжалик объектларининг (ХХО) тургўунлиги уларни ФХ ларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирига чидамлилиги, яъни ФХ лар шароитида режалаштирилган хажмда ва номенклатурада махсулот ишлаб чиқариш, ишчи ва хизматчилар хаёт фаолияти хавфсизлигини тугъри таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришга зарар етган холатларда ўз иш қобилиятини тиклашга мослашиши оркали бахоланади.

ФХ лар вақтида объектнинг тургўун ишлашига ташқилий, инженер-техник ва бошка тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш натижасида эришилади.

Ушбу тадбирлар биринчи навбатда ишчилар ва хизматчиларни химоялашга қаратилган бўлиши керак. Чунки инсон ресурси ҳамда ХХО ларини ФХ ларнинг хавфли ва зарарли омилларидан химояланмасдан туриб, уларни

тургъун ишлашини таъминлаб бўлмайди. Бундан ташқари, объектдаги ишчилар ва объект якинида яшовчи аҳолини ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда ФХ ларнинг бузувчи омиллари таъсирида юзага келувчи икқиламчи хавфли омиллар содир бўлиш хавфининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Икқиламчи хавфли омилларга, ички ва ташқи сабаблар натижасида вужудга келиши мумкин.

ХХО ларининг ФХ лар вақтида тургъун ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирлар комплекси ичидан асосий иккита тадбирга, яъни, айнан ФХ ларда ишчи ва хизматчиларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига ҳамда икқиламчи хавфли омиллар ҳосил бўлишини бартараф этишга қаратилган тадбирларга тўхталамиз.

Ишчи-хизматчиларни химоялаш тадбирларига - технологик жараёнларда портлашга ва ёнгинга хавфли ҳамда зарарли ва радиактив моддалар ишлатиладиган иш шароитларида иш режимини ташқил этиш; захарланиш ўчоғини бартараф этишга қаратилган ишчиларни аниқ бажариш йўллари бўйича ўқитиш; объектдаги ишчи ва хизматчилар ҳамда объект якинидаги аҳолига, объектда ҳосил бўлган хавф тўғрисида хабар беришнинг локал системасини ташқиллаштириш ва уни доимий тайёр ҳолатда сақлаш каби ишлар киради.

ФХ ларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирида юз берадиган ёгъинлар, портлашлар, захарли, радиактив моддаларни муҳитга таркалиши икқиламчи омиллар жумласига киради.

ХУЛОСА

Суғурта бозорини суғурта муносабатлари иштирокчилари ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ва манфаатларининг турли жиҳатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муаллифга қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

1. “Суғурта” иқтисодий тушунча сифатида иқтисодий ва ижтимоий субъектлар мулкани улар фаолиятининг суғурта қалтисликлари вужудга келишидан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий мақомини ўзгартириш учун жамғармаларни шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасини акс эттиради, унинг вужудга келишида ушбу муносабатларнинг шаклланиш шартлари билан белгиланган доираларда суғурта ҳодисаси содир бўлганида харажатларнинг белгиланган миқдорларини қоплаш жамғармаларини ташқил этиш ва тақсимлашга ихтисослашган тузилмалар иштирок этади.
2. Суғурта фаолиятини бошқариш концептуал қоидаларини шакллантиришнинг диссертацияда ишлаб чиқилган модели уни, бир томондан, мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ишлаб чиқилган тамоиллари, бозор ислохотларининг бошқичлари, суғурта бозори ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш сиёсатини белгилаб берувчи бошқарув органлари билан, иккинчи томондан эса қалтисликларни фаоллашуви, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлайди.
3. Менежмент тизими компания стратегиясини муассислар, ходимлар ва суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ўзаро боғлиқ манфаатларини барқарор амалга ошириш учун замин яратувчи оптимал режимда фаолият юритишни таъминлашга йўналтирилган. Ушбу мақсад ташқилий тузилмада ва тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бошқарув ҳаракатлари орқали амалга оширилади.
4. Суғурта муносабатлари субъектининг режалаштирилган натижасига эришиш тармоқ хусусиятлари, суғурта маҳсулотининг ҳаётий даври ҳамда

бунинг учун тақдим этиладиган ресурслар ва технологияларнинг сифати билан белгиланадиган бир нечта босқичлар орқали ўтади.

5. Бунда микродаражада суғурта компаниясининг менежмент тизими – бу фирманинг энг муҳим (асосий) тизим ости бўлиб, у уларнинг хар бири учун мақсадларни, ушбу мақсалларга эришиш усулларини белгилаш, улар учун белгиланган фаолият кўрсатиш ва ривожланиш кўрсаткичларидан четга чиқишларни тартибга солиш асосида фирма ичидаги кўплаб тизим остилар фаолияти самарадорлигининг ички ўзаро боғлиқлигини таъминлашга йўналтирилган.

6. Суғурта бозори ривожланишининг тенденцияларини тадқиқ этиш суғурта тармоғи ривожланишининг ижобий ва салбий тенденцияларига эътибор қаратиш имконини берди. Улар ичида суғурта бозорининг иқтисодий қалтисликлар, иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги кўрсаткичлари ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши билан заиф боғлиқлиги энг долзарб ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари – капиталлаштириш, суғурталовчилар менежменти, уларнинг инвестицион фаоллиги, умумий суғурта маданияти, суғурта ҳуқуқий базаси билан боғлиқ муаммолардир. Ижобий ҳолатлар жумласига тармоқни ривожлантириш барқарор суръатларининг сақланиб турилишини, хорижий сармоя иштирокининг юқори даражасини, янги бозор иштирокчилари ва институтларининг шаклланишини киритиш мумкин.

7. Суғурта фаолиятини тартибга солиш амалиётини кўриб чиқиш суғурта ҳуқуқини қоплаш асосида унинг таркибини такомиллаштириш ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш, давлат суғурта назоратининг эҳтиёт чораларини ривожлантириш, суғурта бозорининг ўзини-ўзи тартибга солувчи институтларини такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Назорат фаолияти ва суғурта операцияларини амалга оширишнинг ахборот базаси ҳам такомиллаштирилишни талаб қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 2003й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 12.12.2002 й. N 439-П.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 22.11.2005 й. N 256
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташқил этиш тўғрисида»ги қарори. 10.04.1998 й. N 150
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон тижорат тўғрисида»ги 29.04.2004 й. N 613-П
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги 29.04.2004 й. N 611-П
7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги 11.12.2003 й. N 562-П
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташқил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори 03.04.2007 й. N ПҚ-614
9. Ўзбекистон Республикаси «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 04.04.2006 й. N ЎРҚ-30
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг «Биржа савдолари электрон тизимларига қўйиладиган умумий талаблар тўғрисида»гинизом 2006 йил 13 июлдаги 01/20-ф-қ-сон қарорига илова.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни 13.01.1992 й. N 512-ХП

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларининг ахбороттизимларини яратиш тартиби тўғрисида»гинизом2005 йил 22 ноябрдаги256-сон қарорига 2-илова
13. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкцияларни ҳисоблаш тартиби»2000 йил 14 августдаги 318-сон қарорига 2-илова
14. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
15. «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет» ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 23 майдаги 230-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
16. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.
17. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 31 мартдаги 165-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
18. «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
19. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон нинг янги қонунлари. Т.: "Адолат", 1996.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги Фармони.
21. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
22. Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз". Т.: "Ўзбекистон", 2001.
23. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. - Т.: «Халқ сўзи», 10.02.2004.
24. Каримов И.А. "Бизнинг бош мақсадимиз–жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислош этишдир". Т.: "Ўзбекистон", 2005.
25. Каримов И.А. "Янги хаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмади". Т.: "Ўзбекистон", 2005.
26. Каримов И.А. «Юксак маънавият енгилмас куч». «Маънавият» нашриёти Т.:2008.
27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
28. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
29. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). «Халқ сўзи» г. №220. 13 ноябрь 2010 й.

30. Каримов И.А. 2012-йилда ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон” 2012 й.
31. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995.
32. Алексеева И.Ю., Авчаров И.В., Вотрин Д.С., Стрельцов А.А. и др. Информационные вызовы национальной и международной безопасности. Под общей ред. А.В. Федорова и В.Л. Цыгичко. М.: ПИР-Центр, 2001.
33. Анализ типовых нарушений безопасности в сетях / Норткан С, Купер М., Фирноу М. и др. [Пер. с англ. под ред. А.А. Чекаткова]. М.: Вильямс, 2001.
34. Анин Б.Л.О. Защита компьютерной информации. СПб.: ВHV-Санкт-Петербург, 2000.
35. Арипов А.Н., Х.М. Мирзохидов ва бошқ. Ахборот-коммуникация технологиялари изохли луғати. – Т.: «Рақамли ривожланиш дастури», 2004.
36. Арипов ва бошқ. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.: «Fan va tehnologiya», 2005. 300-б
37. Арский Ю.М. Информационный рынок в России / Ю.М. Арский, Р.С. Гиляревский, В.С. Егоров и др. - М.: ВИНТИ, 1996. - 293 с.
38. Аскеров Т.М. Защита информации и информационная безопасность. Учеб. пособие. Под ред. К.И. Курбакова. М.: Рос.экон.акад., 2001.
39. Афолина СВ. Электронные деньги / СВ. Афолина. — СПб.: Питер, 2001. - 128 с.
40. Бабаш А.В. Криптография: Учеб. пособие. / Бабаш А.В., Шанкин Г.П.: СОЛОН-Р, 2002.
41. Байбурип В.Б., Бровкова М.Б., Пластун ИЛ. и др. Введение в защиту информации. Учеб. пособие. М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2004.
42. Балабанов И.Т. Электронная коммерция / ИХ Балабанов, — СПб.: Питер, 2001. - 336 с.
43. Баутов А.Н. Программно-методическое обеспечение «Расчет рисков и вычисление оптимальных затрат на систему защиты информации от

несанкционированных действий и сохранение конфиденциальности информационных ресурсов». МЛ, 2001.

44.Баяндин Н.И. Технологии безопасности бизнеса. М.: Юристъ, 2002.

45.Белл Д. Социальные рамки информационного общества. Новая технократическая воля на Западе.- М.: «Наука», 2004.

46.Бланк И.А. Основы финансового менеджента. – К.: Ника-центр, 2000 г., Т. 2.

47.www.uztelecom.uz

48. <http://www.gov.uz>

49. <http://www.lex.uz>

50. <http://www.aci.uz>

51. <http://www.alskom.uz>

52. <http://www.norma.uz>